БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 126 (17.408). • 5 июнь 1979 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин.

МЎЛ ҲОСИЛ НИШОНАЛАРИ

АНДИЖОН. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Ғўза парваришида зардоб 100 кунлик эълон қилган Бўз районидаги Карл Маркс номли колхознинг Бозорбой Тўйчиев бошлиқ бригадасида ғўза қатор ораларига учинчи марта ишлов бериш қизғин тус олди. 81 гектар майоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш учун курашаётган бу бригаданинг 50 гектар майдонидаги ғўза шоналай бошлади. Ғўзани бу даражага етказишда механизатор Зокир Қодиров, Халимжон Абдуллаев ва бошқаларнинг хизмати катта.

Колхознинг Турғунбой Умаров, Абдулла Матисаев бошлиқ бригадаларида ҳам ғўза шонага кирди.

Райондаги «Партия XX съезди», «Ленинчи» совхозлари, Энгельс номли, Тельман номли колхозларда ҳам ғўзада ҳосил тугунчалари пайдо бўлди.

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганлиги учун республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилади:

Самарқанд области (область партия комитетининг секретари **Б. Р. Раҳимов**, область ижроия комитетининг раиси **С. Ҳамроқулов**, область комсомол комитетининг секретари **С. Аҳмедов**, область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **У. Ж. Жуманов**).

Бугун Озарбайжон ССРда Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунлари бошланади

АДАБИЁТЛАР ДЎСТЛИГИ — ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ

Комил ЯШИН,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари

БУГУН қардош Озарбайжонда Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси очилади. Икки қардош республика халқларининггина эмас, балки кўп миллатли Совет Иттифоқи барча халқларининг катта маданият ва санъат байрамига айланиб кетадиган бу воқеа қардошлик алоқаларимизнинг тағин ҳам мустаҳкамланишида, маданиятларимиз муваффақиятларини бир-биримиз билан таништиришда муҳим босқич бўлади.

Биз қардош озар диёрида биринчи бор бўлишимиз эмас. Бу эса зиммамизга тағин ҳам катта масъулият юклайди. Ўзининг кўҳна маданиятига эга бўлган Озарбайжон ва Ўзбекистон халқлари инсониятга ўлмас мерос қолдирган ўз классиклари номи ва хотирасини, ижодини зўр меҳр-муҳаббат билан авайлаб сақлаб келмоқда, бу меросни янги инсонни камол топтириш мақсадларига хизмат қилдирмоқда.

Халқларимизнинг буюк фарзандлари Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий илҳоми билан яратилган, улуғ муҳаббат туйғулари билан йўғрилган Лайли ва Мажнун образи маданиятларимизнинг азалий алоқасидан далолат беради. Икки буюк мутафаккир асарларини ўқиқанмиз, мўъжизакор бир нафасни ҳис этамиз, бу нафас бугунги кунимизда ҳам ўзининг муқаддас йўлини давом эттириб, қалбларимизни ром этади.

Инсон меҳр-муҳаббатини шу тариқа қуйлаш қардошлик тарихимизнинг бошланишигина эди. Халқларимиз илғор санъати ва маданиятининг тарихий йўли ҳамиша ҳамдам ва ҳамоҳанг бўлди. Қадимий шаҳарларимиз меъморчилигининг ҳамоҳанглиги, китоб графикаси, тасвирий санъатнинг уйғунлиги маданий ва илмий ютуқларни бир-биримиз билан баҳам кўришимизга имкон берди.

Ўрта Осиё мутафаккирларидан Абу Наср Муҳаммад Форобий, Ибн Сино, Низомий ва Навоийнинг ўлмас мероси озар ва ўзбек халқларининг, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари халқларининг маданияти ривожига бебаҳо таъсир кўрсатди.

Алишер Навоий устоз Низомий Ганжавий билан ижод майдонида беллашиб, «Хамса» асарини яратди. Навоий «Хамса»си Низомийнинг шу номли асаридан тўбдан фарқ қилувчи мустақил асар бўлди. Ўзбек шоирларидан Отоий, Сайқокий, Лутфийнинг ижодий фаолияти ҳам Низомий таъсири билан камол топди.

Ўз навбатида Навоийнинг бадиий таъсири унинг замондоши Озарбайжон шоири Кишвари Табризий ижодида яққол намоён бўлган эди. Табризий Навоийнинг зуллисонайн усулидан илҳомланиб, ўзбек тилида ҳам ижод қилган.

Ўн олтинчи аср шеъриятида шуҳрат қозонган Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулий ижодини билмаган ўзбек хонадони бўлмаган. Фузулий Навоий, Лутфий, ва бошқа ўзбек шоирларининг ижодидаги бадиий-эстетик принципларни пухта ўрганиб, улардан ўз ижодида моҳирона фойдаланди. У кейинги асрларда ижод этган шоирларнинг устози бўлди. Ўзбек адабиётининг Турди, Гулханий, Махмур, Мунис, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз сингари классиклари ўзларини Навоий ва Фузулийнинг шогирди, деб билишган.

Музика ва тасвирий санъат бобида ҳам халқларимизнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсири азалийдир. Машҳур музика назариётчиси ва амалиётчиси озарбайжонлик Хўжа Абдулқодир Марогий Темур саройида ижод қилди. Унинг ўз замонаси музикасининг назарий масалаларини ишлаб чиқиши ўзбек музика маданиятининг тараққиётига салмоқли ҳисса бўлди. Шарқнинг ажойиб рассоми Камолиддин Беҳзод икки халқнинг қудратли бадиий анъаналаридан камол топиб, ўзбек ва озар халқлари тасвирий санъати тараққиётида улкан роль ўйнади.

Маданиятимизнинг ўтмишига назар ташлаганда илғор рус маданиятининг Озарбайжон маданиятига, бу маданият орқали ўзбек маданиятига таъсирини кўрмаслик мумкин эмас. Радишчев ва Пушкин асарларининг мафтункори, Белинский, Чернишевский, Добролюбовнинг революцион ғоялари издоши, Озарбайжон драматургиясининг асосчиси, буюк адиб, файласуф-материалист, атоқли жамоат арбоби Мирза Фатали Охундов 1873 йилда озар театрига асос солди. Бу театр Озарбайжон драматургиясининг тараққиётига тўртки бўлибгина қолмай, Ўзбекистон театр санъатининг шаклланишига ҳам таъсир кўрсатди.

Халқимизнинг Озарбайжон театр маданиятидан баҳраманд бўлиши Ҳусайн Ароблинский, Аҳад Гамарлинский, Сидқий Рухулло, Шуро Аленская, Ҳонум Малик Назарьян, Бағдодбоева сингари атоқли театр санъаткорларининг гастролга келиши билан бошланган эди. Озарбайжон театр санъатининг етук намояндаси Аласкар Аласкаров Ўзбекистон театр санъати тараққиётига муносиб ҳисса қўшди. Ў Боку газеталарининг Ўрта Осиёдаги махсус мухбири бўлиб ишлар эди. Асримиз бошларида у Озарбайжон драматургларининг пьесалари Тошкент, Самарқанд, Наманган, Бухоро саҳналарида қўйилишида актив иштирок этди. Ўзбек адабиёти ва драматургиясининг Ҳамза, Абдулла Авлоний, Абдуқодир Шукурий, Абдувоҳоб Муродий сингари алломалари Аласкаровнинг хизматларини юксак тақдирлаб, ўз миннатдорчиликларини унга юборган мактубларида бир неча бор изҳор этган эдилар.

Ўзбек маданияти ўз тараққиётида мураккаб йўлларни босиб ўтди. XX асрнинг бошларида Озарбайжонда машҳур бўлган «Мулла Насриддин» революцион-демократик журнали Ўрта Осиёда ҳам тарқалиб, маданиятимиз ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Журнал Ўзбекистондаги ва Кавказдаги ҳар турли миллатчилар тўдаларига қарши муросасиз кураш олиб бориб, буржуа миллатчиларининг аксилинқилобий ғояларини фош қилди.

Улуғ Октябрдан кейинги йиллар Совет Иттифоқидаги барча халқлар маданиятининг юксалиши билан нишонланди. Бутун талантини революцияга бахш этган совет ёзувчилари адабиётнинг олий мақсади — революция идеалларини қарор топтиришдан иборат, деб билдилар. Тилларимизнинг бир-бирига ўхшашлиги ҳар икки халқ адиблари ижодини бирдай кузатиб, улардан баҳраманд бўлиш имконини берди. Ҳамза ва Собир, Жаъфар Жабборли, Самад Вургун ва Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Назир Сафаров, Зулфия, Миртемир, Сулаймон Рустам, Расул Рзо, Мехти Гусейнов, Сулаймон Рагимов, Мирзо Иброҳимов, Имрон Қосумов, Наби Ҳазрий ва Ойбек, Шароф Рашидов, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Рамз Бобожон, Мирмуҳсин, Иброҳим Раҳим ва бошқа кўпдан-кўп ўзбек ва озар ёзувчилари халқларимизнинг маънавий бойлигини оширишга, маданий алоқаларимизни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшдилар.

Озарбайжон ва Ўзбекистон шеъриятининг Низомий, Навоий, Фузулий, Лутфий сингари порлоқ юлдузлари билан фахрланганимиз ҳолда, шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, бу ажойиб инсонпарвар шоирларнинг ҳар бири ўз даврида зулм, ҳуқуқсизлик, жаҳолат, дин огуси ўкум сурган зулмат ичра нур эди. Фақат бизнинг совет замонамиздагина, ўтмишнинг энг яхши меросини аввалбор асраш ҳақидаги ленинча сиёсат туфайлигина уларнинг ажойиб асарлари мамлакатимиз барча халқларининг мулкига айланди. Ғалаба қилган социализм мамлакатида Ленининг «Санъат — халқникидир» деган ажойиб орзуси рўёбга чиқди.

Совет воқелиги ва совет кишиси, халқимизнинг бутун кўп қиррали фаолияти ёзувчиларимизнинг асосий эътибор объекти бўлиб қолди. Асарларнинг юксак ғоявий-бадиий савияси ҳақидаги ғамхўрликни ўзимизнинг бош вазифамиз, деб биламиз. Биз халқни буюк ишларга чорловчи, унинг гайрат-шижоатини жўш урдирувчи, коммунизм йўлидаги курашда иродамизни тобловчи ажойиб асарлар яратишни муҳим бурчимиз, деб биламиз.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида ўтган олтмиш бир йилдан знёд вақт мобайнида амалга оширилган ишлар мазмуни ва миқёси неча-неча асрларга тенг келади. Халқларимиз биринчи беш йилликлар давридаги фидокорона меҳнати, буюк ва адолатли иш учун курашиб, дарёлар кечиб, шаҳарларни озод қилиши, ҳозирги кундаги меҳнат жасорати билан ҳамиша бир-бирларига қардошларча ёрдамларини аямадилар. Энди биз КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, Ватанимиз куч-қудратини янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшаётирмиз.

Фашизмга қарши уруш йилларида халқларимизнинг тобланган дўстлиги тинч қурилиш йилларида тағин ҳам мустаҳкамланмоқда. Ўзбек нефтчилари қардош Озарбайжоннинг моҳир нефтчиларидан кўп нарсаларни ўрганиб олдилар. Ҳар икки республика пахтакорларининг ўзаро социалистик мусобақаси ажойиб самаралар бермоқда. Республикамиз меҳнаткашларининг қардош Озарбайжон халқига бўлган меҳр-муҳаббати анъаналари давом этаётганини Ўзбекистондаги институтларга, мактабларга, колхозларга қардош республиканинг улуғ фарзандлари номи берилишида ҳам кўриш мумкин. Бизда Низомий номли институтлар, Фузулий номли мактаблар, Наримонов номли колхозлар оз эмас.

Адабиётларимиз ва маданиятларимиз тағин ҳам камол топиши учун ижодий алоқаларимизни бундан буён ҳам чуқурлаштираверамиз ва кенгайтираверамиз.

Бизнинг давримизда коммунистик жамият тақдири учун ҳар бир киши шахсан масъулиятни ҳис этади. Партия, халқ, тарих бизга совет кишисининг қалбини нурли ғоялардан баҳраманд этишдек буюк миссияни ишониб топширган. Совет кишилари бахт-саодати йўлида, кўп миллатли буюк Ватанимиз фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиш — муқаддас бурчимиздир. Адабиётларимиз ва санъатларимиз ҳамдўстлиги гуллаб яшнайверсин! Халқларимизнинг буюк ленинча дўстлиги мустаҳкамланаверсин ва гуллаб яшнайверсин!

СУРНАЙ ҚАРДОШЛИКНИ ТАРАННУМ ЭТМОҚДА

БОКУ, 4 июнь. Озарбайжон пойтахтига гўё май байрами яна қайтиб келгандек. Бир кун олдин ёмғир ювиб тоза қилган ям-яшил дарахтлар билан безанган кўчалар қирмизи байроқлар ва транспарантлар билан яна гўзаллашди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати арбобларига қардошлик саломи!», «Дўстлик ва қадрошлик — халқлар бойлиги», «Хуш келибсиз, азиз ўзбек дўстлар!» Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати тантанасини, мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлигини, Ўзбекистон ва Озарбайжон меҳнаткашларининг қардошлик алоқаларини шарафловчи бу сўзлар алвонларга уч тилда — рус, ўзбек, озарбайжон тилларида ёзиб қўйилган.

Боку аэропорти ҳам байрамона безатилган. Республика пойтахти жамоатчилигининг вакиллари Ўзбекистондан келган меҳмонларни — Озарбайжонда Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати кунлари иштирокчиларини тантанали суратда кутиб олмоқ учун 4 июнда шу ерга йиғилдилар. СССР Давлат байроғи, Ўзбекистон ва Озарбайжон Совет Социалистик Республикаларининг байроқлари магнур қилиб ўрнатилган. ТУ—154 ҳаво лайнери аэровокзал перрони ёнига келиб тўхтайди. Боку-ликлар меҳмонларни шу ондаёқ дўстона қучоқ очиб кутиб оладилар. Пионерлар уларга гулдасталар тақдим этадилар, анъанага кўра, Озарбайжон миллий либосидаги қизлар келган кишиларни шу сахий диёрнинг неъматлари билан меҳмон қиладилар. Сурнайчилар ансамбли шодиёна куйини ижро этади.

Аэропортда бўлган дўстлик митингини Боку шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Г. Керимов очди.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг секретари К. М. Багировга сўз берилади. Биз, дейди у, Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати кунлари бошланишини завқ-шавқ билан кутмоқдамиз. Бу кунлар шубҳасиз республикаларимиз ҳаётида катта ижтимоий-сиёсий воқеа бўлиб қолади, социалистик интернационализм ғолларини, Совет Иттифоқидаги барча халқларни ягона оилага жипслаштирган ленинча миллий сиёсат тантанасини янги куч билан намойиш қилади.

Кишли машинасозлик заводининг фрезерчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шомил Алиев ва СССР Давлат мукофоти лауреати шоир Наби Ҳазрий орденли Боку меҳнаткашлари — унинг шонли ишчилар синфи, ижодкор зиёлилари, қардош республика кенг жамоатчилиги номидан ўзбекистонлик меҳмонларни самимий табрикладилар. Наби Ҳазрий дўстлар билан учрашувга бағишлаб ёзган ўзининг янги шеърларини ўқиб берди.

Митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов нутқ сўзлади.

Озарбайжонда Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати кунлари қатнашчиларини кутиб олишга бағишланган митингда Озарбайжон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари К. А. Гусейнов ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов иштирок этдилар.

Шу куни Ўзбекистон адабиёти ва санъати арбоблари делегациясининг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. Алиев қабул қилди. У меҳмонларни Озарбайжон ССР меҳнаткашларининг экономика ва маданият соҳасида эришган ютуқлари билан, КПСС XXV съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари республикада қандай бажарилаётганлиги билан таништирди.

А. БАРАНОВ,
ЎзТАГ махсус мухбири.

САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ПИЛЛАКОРЛАРИНИНГ КАТТА МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Самарқанд областининг пиллакорлари партия XXV съезди-нинг, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, давлатга 2900 тонна пилла сотиб, план ва социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари, 3 июнда адо этдилар Ҳар кути қурт уруғидан 82 килограмм пилла олинди, бутун ҳосилнинг 85 процентдан кўпроғи навли қилиб топширилди.

Область хўжаликлари беш йиллигининг 4 йили ичида пландан ташқари 1500 тонна пилла сотдилар.

Областдаги Иштихон, Каттақўрғон районлари, 30 хўжалик пилла етиштириш ва давлатга сотиш беш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар.

Область пиллакорларининг фидокорона меҳнати, фан ютуқлари ва илғор агротехника усулларн ишлаб чиқаришга кенг жорий этилганлиги муваффақият негизи бўлди. Қурт боқиш технологиясини тўғри амалга оширш, шунингдек, маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида қурт уруғини очириш ўн кунгача чўзиб борилди. Пилла қуртини боқишда хлорелла суспензиясидан кенг фойдаланилди, область хўжаликларида 120 тадан кўпроқ установка ишлаб турди, буларнинг ёрдамида 10 минг кути қурт уруғи боқилди. Биринчи марта 4000 кути қурт уруғи электр магнит майдонидан ўтказилди, 20 минг кути қурт уруғига «Барака—82» препарати ишлатилди. Пилла нархи оширилганлиги туфайли тармоқнинг рентабеллиги ва пиллакорларнинг моддий манфаатдорлиги ортди, бу эса барглан оқилона фойдаланиш ва қурт боқишни жадаллаштириш имконини берди.

Пилла бевосита хўжаликларнинг ўзида сортларга ажратилди, уларни тозалашда «ЧК—1» маркали машиналардан кенг фойдаланилди.

Ҳар кути қурт уруғидан 96 килограмм пилла олган Пахтачи районининг, 90 килограммдан пилла олган Иштихон районининг, 87 килограммдан пилла олган Оқдарё районининг хўжаликлари ҳосилдорлик борасида энг яхши натижаларга эришдилар.

Пилла тайёрлаш планини 115—122 процент адо этган Иштихон, Пахтачи, Пастдарғом, Хатирчи районларининг пиллакорлари катта муваффақиятларни қўлга киритдилар, Булунғур, Нурота, Ургут, Қўшработ районларининг хўжаликлари пилла тайёрлашни юксак суръатлар билан давом эттирмоқдалар.

Пахтачи районидаги Охунбобоев номли, Оқдарё районидаги «Партия XXII съезди», Жомбой районидаги Охунбобоев номли, Иштихон районидаги «8 Март», Каттақўрғон районидаги «Правда», Нарпай районидаги «Правда» колхозлари, Пайариқ районидаги Димитров номли, Пастдарғом районидаги К. Маркс номли, Самарқанд районидаги Калинин номли совхозлар, Советобод районидаги «Қарноб» совхози, Ургут районидаги «Коммунизм», Хатирчи районидаги К. Маркс номли колхозлар, Булунғур районидаги «Красногвардейский» совхози ҳар кути қурт уруғидан 80—105 килограммга етказиб пилла олдилар.

Областдаги 15 мингдан знёд пиллакор ҳар кути қурт уруғидан 90—125 килограмм пилла олди. Пахтачи районидаги Охунбобоев номли колхозидан Тош Ҳамроева ва Тошбиби Қаландарова, Оқдарё районидаги «Коммунист» колхозидан Мақсад Ғаниева, Булунғур районидаги «Красногвардейский» совхозидан Санжара Исомиддинова, Жомбой районидаги Охунбобоев номли колхозидан Сабоҳат Жўрақулова, Иштихон районидаги Фрунзе номли колхозидан Ҳожар Ғаниева, Каттақўрғон районидаги «Ленин йўли» колхозидан Иноят Эрбўтаева, Нарпай районидаги Ленин номли бирлашмадан Ойшакар Пўлатова, Нурота районидаги «Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» совхозидан Шарофат Ҳаитова, Пайариқ районидаги «Москва» колхозидан Раҳима Расулова, Пастдарғом районидаги К. Маркс номли колхозидан Майсара Сулаймонова, Самарқанддаги наслли пиллачилик совхозидан Лиза Максимова, Хатирчи районидаги «Коммунизм» колхозидан Баҳор Хушвақтова, Советобод районидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» совхозидан Мелигул Қўчқорова, Ургут районидаги «Коммунизм» колхозидан Саломат Шарипова, Қўшработ районидаги Свердлов номли совхозидан Норбека Исақулова звенолари шулар жумласидандир.

Қурт боқиш, пилланн йиғиштириб олиш ва топшириш даврида партия, совет, касаба союз ва хўжалик ташкилотлари, область пиллачилик ишлаб чиқариш бошқармаси системасининг, пилла қурти заводининг, наслли пиллачилик станциясининг ва тайёрлов органларининг мутахассислари пиллакорлар ўртасида катта ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишларни олиб бордилар.

Пилланн териб олиб, топширш давом этмоқда. Самарқанд областининг пиллакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб кўриб, давлатга пландан ташқари 500 тонна пилла топширишга қарор қилдилар.

ҒЎЗА ШОНАЛАДИ

НАМАНГАН. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Поп райони пахтакорлари ғўза парваришини юқори агротехника қоидалари асосида тез суръатлар билан олиб бормоқдалар. Райондаги 14,5 минг гектар майдондаги ғўза иккинчи ишлов ва чуқур кетмон чопиғидан чиқарилди. Қатқалоқни юмшатиш ва культивация қилишда 300 га яқин ротацион мотига, 400 дан ортиқ чопиқ трактор-ларидан унумли фойдаланилмоқда.

1400 гектар ернинг ҳар гектаридан 48 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилган «Коммунизм» колхози далаларида чопиқ тракторлари икки сменада ишлаб турибди. Бу ерда сувчилар сони бир ярим марта кўпайтирилди. Колхознинг Собитали Уктамов, Азизахон Бойбобоева, Маҳмуджон Уктамов ўртоқлар бошлиқ юқори ҳосилли бригадалари ҳар гектар ердан 50—55 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш учун астойдил курашмоқдалар. Мазкур бригадаларнинг аксарият майдонларида ғўза ёппасига шоналай бошлади.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ХХРнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Тянь Цзэнпэйни 4 июнь куни қабул қилиб, унга қуйидаги эсдалик хатини топширди:

«ССР Иттифоқи Ташқи ишлар министрлиги ХХР ташқи ишлар министрлигининг 1979 йил 5 майдаги эсдалик хатини олганлигини таъкидлайди, бу эсдалик хати СССР Ташқи ишлар министрлигининг 1979 йил 17 апрелдаги нотасига жавобдир.

Совет Иттифоқи СССР билан ХХР ўртасидаги кескинликни юмшатиш ва улар ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатиш мақсадида музокаралар ўтказилиши учун муттасил ҳаракат қилиб келди ва ҳаракат қилмоқда. Совет томони СССР билан ХХР вакилларининг учрашувларини, шу жумладан юксак доирада ҳам ўтказишга тайёр эканлигини бир неча марта изҳор қилди.

Совет Иттифоқи эҳтимол тутилган музокараларнинг мақсадлари ва мавзуи тўғрисида:

1969 ва 1970 йилларда — томонларнинг ҳар қандай қуролларни, шу жумладан ядро қуролини ишлатиб бир-бирига ҳужум қилмаслик тўғрисидаги мажбуриятларини давлатлараро махсус ҳужжат билан расмийлаштириш ҳақида;

1971 йилда — куч ишлатмаслик ҳақидаги шартномани имзолаш тўғрисида, 1973 йилда — ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартномани тузиш ҳақида, 1978 йилда — СССР билан ХХР ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг принциплари ҳақидаги қўшма ҳужжатни ишлаб чиқиш тўғрисида конкрет таклифлар киритди.

Совет Иттифоқи ўзининг мана шу принципиал позициясига амал қилиб, Хитой Халқ Республикаси билан музокаралар бошлашга ўзининг тайёр эканлигини яна бир бор таъкидлайди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни тинч-тотув яшаш принциплари, шу жумладан тенг ҳуқуқлилик, суверенитет ва территориал бутунликни ўзаро ҳурматлаш, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, куч ишлатмаслик принциплари асосида нормаллаштириш ва яхшилаш музокараларнинг мақсади ва вазифаси бўлмоғи лозим.

Гегемонизм сиёсатига ва бир давлатнинг бошқа бир давлатга бўйсуниши сиёсатига доимо ва изчиллик билан қарши курашаётган Совет Иттифоқи ҳар иккала томон, СССР билан ХХР жаҳон ишларида кимнинг бўлмасин алоҳида ҳуқуқларига ёки гегемонияга даъволарни тан олмаслик ва бир-бирлари билан муносабатларни тинч-тотув яшаш принциплари асосига қуриш тўғрисида ҳам аҳдлашиб олишларини муҳим деб ҳисоблайди.

Томонларнинг шу масалалар юзасидан аҳдлашуви, башарти шундай аҳдлашувга эришилган тақдирда, томонлар ишлаб чиқиб, қабул қиладиган тегишли ҳужжатда қайд этилиши лозим.

Совет томони музокараларни шу йил июль-август ойларида Москва шаҳрида ўтказишни таклиф қилади. Совет томони музокараларни ташқи ишлар министрларининг ўринбосарлари ёки иккала мамлакат ҳукуматларининг махсус ваколатли намояндалари иштирокида олиб боришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. 1979 йил 4 июнь».

Суҳбат чоғида Тянь Цзэнпэй эсдалик хатини ХХР ҳукуматига дарҳол етказаман, деди.



Узоқ Хожибеков номидаги кўча Боку шаҳридаги энг кўркам ва хушманзара кўчалардан биридир. В. Ибодов фотоси.



ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

Ленинград саноат корхоналари коллективлари Сибирь ва Узоқ Шарқ учун маҳсулотларни муддатидан илгари тайёрлаб беришмоқда. С. М. Киров номли «Электросила», «Электрокерамика» бирлашмаларида, Б. Е. Веденеев номли Бутуниттифоқ гидротехника илмий-тадқиқот институтида бу райондаги муҳим қурилишлар учун машина, механизм, илмий-техникавий ҳужжатлар тайёрланмоқда. Суратда: «Электросила» бирлашмасининг асосий корпусида.

Туркманистон ССР Геология бошқармасига қарашли 26-пармалаш қудуғи коллективи социалистик мусобақани қизитиб графигидан ўзиб ишламоқда. III даражали Меҳнат шуҳрати ордени навалери Б. Ботиров бошчилигидаги мазкур коллектив беш йиллик планни В. И. Ленин туғилган кунининг 110 иллигигача бажариш мажбуриятини олди. Суратда: 26-пармалаш қудуғи ишчиларининг шодлиги чексиз. Давлатобод конидан газ фонтани отилиб чиқди.

(ТАСС фотохроникаси).

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

ИШЧИ-ДЕҲҚОН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СОВЕТЛАР ФАОЛИЯТИДАН

ШАҲАР ИСТИҚБОЛИ

Қўрғонтепа республикамиздаги кенжа шаҳарлардан бири. Унинг истиқболи порлоқ. Беш йил ичида бу ерда ўнлаб маданий-маиший, маъмурий, юзлаб уй-жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Шаҳримиз истиқболли шаҳар. Маданият ва истироҳат боғининг қайтадан барпо этилиши унинг кўркига кўрк қўшди, — дейди шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Н. Эшбоев. — Боғ 20 кун ичида қайтадан ташкил этилиб, бир неча минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилди.

Шаҳар қурилиши маданият ва истироҳат боғидан бошланиши бежиз эмас. Яқинда фойдаланишга топширилган боғда кўркам фавворалар, яшил кўл ва кўл ўртасидаги оролдаги 550 ўринли ёзги кинотеатр қурилиши қисқа муддатда тамомланди. Ҳамма объектлар фақат ҳашар йўли билан бажарилганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Яқинда шаҳарда яна 6 та янги объект қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шаҳар белига белбоғ бўлиб тушган 240 кубометр ҳажмдаги сувни сигдирадиган Шаҳрихонсойнинг шу йил апрель ойида реконструкция қилиниши шаҳар чиройига чирой қўшди.

О. АБДУРАҲМОНОВ,
Андижон области.

ПЕНСИОНЕРЛАР ҲАЁТИДАН

МИННАТДОР БЎЛИШЯПТИ

Кўча дарвозасидан кимнингдир овози эшитилди. Уйда набиралари билан чақчақлашиб ўтирган Қодирали ота кўчага чиқди.

— Кел, ўғлим. Қани, ичкарига!

Келган колхоз шофёри эди. У узр сўраб:

— Биласиз, колхозимизда яхши бир одат бор. Колхоз томонидан сиз ва сизга ўхшаш пенсионерларга совға тайёрланган экан. Шуни олиб келувдим, — деди.

Балиқчи районидаги Куйбишев номли колхозда бу масалага алоҳида эътибор берилаётир. Колхозда 510 нафар пенсионер бор. Биргина шу йилнинг ўзида 16 кишига пенсия тайинланди. Уларга моддий ёрдам кўрсатиш— ғамхўрлик қилиш колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг доимо диққат-эътиборида бўлмоқда.

— Отахон ва онахонларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Уларнинг яқиндан бераётган ёрдам ва маслаҳатлари ишимизга қанот ҳамда мадад бағишлаяпти, — дейди бизга колхоз пенсия тайинлаш советининг раиси Белгибой Бадалов.

— Колхознинг кекса аъзосиман. Коллективимизга раҳмат. Сира ёддан чиқаришмайди. Иссиқ-совуғимиздан доимо хабардор бўлиб туришади. Шунинг учун ҳам колхозимга ҳурматим баланд, — дейди 70 ёшли Мирзамаҳмуд ота Тожибоев.

Бу биргина Мирзамаҳмуд отанинг эмас, колхоздаги барча пенсионерларнинг дил сўзлари эди.

А. ВАҲОБОВ.

ХЎЖАЛИКНИ САМАРАЛИ ЮРИТАЙЛИК

ХАРАЖАТ ҲОСИЛ ҚИСОБИГА ҚОПЛАНАДИ

Бизнинг иттифоқ-республика агро-саноат бирлашмамиз — «Узплодоовощвинпром» ташкил этилганига тўрт йил бўлди. Унинг составига 110 минг киши ишлайдиган юз элликдан кўпроқ совхозлар, 16 совхоззавод, 24 саноат корхонаси бирлашган. Ўтган йили улар қарийб 800 минг тонна сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева ва узум етиштирдилар.

Тўрт йил — катта муҳлат эмас. Шуни комил ишонч билан айтиш керакки, партиямизнинг ихтисослаштириш ва концентрациялаш йўли ўзини оқлади. Бунинг исботи учун совхозларимиз ютуқларини мисолга келтириш мумкин. Улар беш йилликнинг уч йилида фақат пландан ташқари 145 минг тонна мева ва сабзавот топширдилар. Тўққизинчи беш йилликнинг уч йилига нисбатан узум ва мева етиштириш 1,5 баробар, сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари етиштириш 1,4 марта кўпайди. Маҳсулотлар ассортименти кенгайди. сифати яхшиланди, маҳсулотни етиштириш ва йиғиштириб олишга сарфланадиган харажат камайди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, пахтачилик колхозлари ва совхозларида ихтисослаштиришнинг йўлга қўйилиши экинлар сонини анча камайтириш имконини берди. Бу эса асосий тармоқ рентабеллигини оширишга ижобий таъсир кўрсатди.

Агро-саноат интеграцияси бераётган фойда жуда ҳам сезиларли. «Қибрай» совхозининг ялпи заводи билан бирлашганига қадар ишлаб чиқариш рентабеллиги 45 процентни ташкил этарди. Энди бўлса у 52 процентга кўтарилиб, хўжаликнинг даромади деярли икки мартага кўпайди.

Тармоқнинг ривожланишида территориал ишлаб чиқариш-аграр бирлашмалар муҳим роль ўйнайди. Ана шу усул ҳом ашёни етиштиришдан тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришгача бўлган узлуксиз технологик жараёнларни вужудга келтириш имконини берди. Бу ўз навбатида тармоқни бошқариш структурасини такомиллаштириш, бошқарма ва трестларни тугатиб. тўрт звеноли бошқаришдан уч звеноли бошқариш системасига ўтиш имконини яратди. Бирлашмага кирган хўжаликларда ишлаб чиқариш суръати сезиларли даражада юқори эканлиги тасодифий эмас. Улар сабзавот ва мевадан бир ярим икки баробар кўп ҳосил олмоқдалар. Бу хўжаликларда маҳсулотнинг таннархи тахминан 50 процент арзонга тушмоқда.

Фарғона водийсининг унумдор ерларида Киров номли ишлаб чиқариш-аграр бирлашмаси ташкил этилган. Кейинги уч йилда бу ерда вино ва консерва ишлаб чиқарадиган заводлар, сабзавот ва мева сақланадиган йирик холодильник курилиб ишга туширилди. Бирлашма посёлкасида мактаблар, ҳунар-техника билим юрти биноси, юзлаб турар-жой бинолари фойдаланишга топширилди. Ана шу объектларнинг ҳаммаси бирлашманинг маблағи ҳисобига қурилганлиги факти айниқса характерлидир.

Бошқа бирлашмаларда ҳам моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида катта ишлар амалга ошириляпти. Уларда теплица майдонлари бир ярим баробардан зиёд кўпайди, боғ ва узумзорлар 16 минг гектарга кенгайтирилди. Реконструкция ва замонавий техника билан қуроллантириш ҳисобига заводларнинг қуввати ошмоқда. Шунингдек, бирлашмаларнинг ичида совхозларни ихтисослаштириш тадбирлари ҳам амалга оширилмоқда. Агар бундан тўрт йил муқаддам сабзавот маҳсулотлари етиштириш билан хўжаликларнинг 78 процентга шуғулланган бўлса, энди 64 процентга шуғулланмоқда. Қуйидаги факт маҳсулотни концентрациялаш даражаси ўсганлигини кўрсатади. Илгари бир совхоз ўртача 2,6 минг тонна сабзавот етиштирган бўлса, энди бу кўрсаткич 3.5 минг тоннадан кўпроқни ташкил этяпти.

Лекин, концентрациялаш даражасини коникарли деб бўлмайди. Картошка етиштириш билан хўжаликларнинг 44 процентга, мева етиштириш билан ярмидан кўпроғи, узумчилик билан эса деярли учдан икки қисми шуғулланмоқда. Бу сўзсиз ҳосилдорликни оширишга салбий таъсир қилади, ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайтиради. Ҳар бир ихтисослаштирилган хўжалик зиммасига товар маҳсулотининг 2—3 турини етиштириш вазифаси қўйилган. Бу вазифани фақат янги совхозлар қуриш ҳисобига эмас, ихтисослаштиришни такомиллаштириш эвазига ҳал этамиз.

Маблағларни ўз ўрнида ишлатиш билан катта ўзгаришлар бўлиб қолмайди дейишади. Гап ишни ташкил этишда. Шундай ўзгаришлар бўладики, тан бермай илож йўқ. Наманган областининг Янгиқўрғон районида хўжаликлараро ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди ташкил этилди. Бирлашмага қарашли барча техника ана шу отрядга марказлаштирилди. Совхозларнинг энг яхши мутахассислари шу ерда ишлашади. Натижада машиналарнинг унумдорлиги анча ошди. амалга ошириладиган ишлар муҳлати сезиларли даражада қисқарди. Энг муҳим натижа шу бўлдики, бирлашмада қишлоқ хўжалик зараркунандалари туфайли йўқотиладиган ҳосил миқдори камайди. Шунингдек, маҳсулот сифати ҳам ошди. 1977 йилда фақат ана шу ҳисобдан хўжаликлар 500 минг сўм қўшимча даромад олдилар.

Китоб ишлаб чиқариш аграр бирлашмасида барча тупроқ ишларини бажарадиган техника биргина хўжаликлараро отрядга марказлаштирилди. Икки йилга етар-етмас муҳлатда отряд механизаторлари юз гектардан кўпроқ янги ерни кўчат ўтказиш ва экишни тайёрладилар, катта майдонларда мелиорация ишларини амалга оширдилар. Отряд шунингдек, ҳнчалик катта бўлмаган сув омборини қуриб битиришга қодир эканлигини кўрсатди.

Ихтисослаштиришни фақат совхозларда эмас, уларга хизмат қиладиган бўлинмаларда ҳам йўлга қўйиш муҳим эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Ҳозир ишлаб чиқариш аграр бирлашмаларида ўсимликларни ҳимоя қилиш, янги ерларни ўзлаштириш, кўчат етиштириш ва бошқа ишлар билан шуғулланадиган хўжаликлараро отрядлар ташкил этилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленумида сабзавот ва мева етиштиришни ҳар томонлама кўпайтириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлиги алоҳида таъкидланган. Ўзбекистон деҳқонлари сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари мева ва узум етиштиришни 1980 йилга бориб 6 миллион тоннага етказишга қарор қилдилар. Бу вазифанинг бажарилишига бизнинг бирлашмамиз механизаторлари муносиб ҳисса қўшишлари лозим. Беш йилликнинг охирга бориб бор ва полиз экинлари маҳсулотлари етиштириш 1.5—2 баробар, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса 1,4 марта кўпаяди.

Белгиланган маррани муваффақиятли эгаллаш учун фақат 1978 йилнинг ўзида 44 та узумчилик совхози ташкил этилди. 1985 йилга бориб, узум етиштириш 2,5 баравар кўпаяди. Ана шу даврда анор етиштириш беш марта ошади. Янги заводлар қурилади. Теплица хўжаликларининг майдонлари 1—7 марта кенгаяди.

Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш даражасини ҳосилдорликни кўтариш эвазига ўстириш ҳам мумкин. 1978 йилда биз ўртача ҳар гектар майдондан 186 центнердан сабзавот йиғиштириб олган бўлсак, энг яхши ихтисослаштирилган хўжаликларда бу кўрсаткич 250-360 центнерданни ташкил қилди. Ихтисослаштирилган хўжаликлар мева ва узумдан тармоқ хўжаликларга нисбатан икки, ҳатто уч баравар кўп ҳосил етиштирмоқдалар.

Шу беш йилликнинг охиригача хўжаликларни ихтисослаштириш ишини тугаллашни белгилаяпмиз. Сабзавот маҳсулотлари етиштириш 25 совхозда, картошка етиштириш эса 18 хўжаликда марказлаштирилади. Ихтисослаштирилган хўжаликлар бутун маҳсулотнинг ўндан тўққиз қисмини беради.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида таъкидланганидек, ҳосилдорлик фақат деҳқонларгагина боғлиқ эмас. Бирлашмада ҳар йили янги боғ ва токзорлар барпо этиляпти. Шунингдек, қатор хўжаликларда касалланган ва зарарланган эски боғлар сийраклашиб қолган. Улар ўрнига янги кўчатлар ўтказиш ишлари ҳам амалга ошириляпти. Бироқ, Р. Р. Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси совхозларни зарур кўчатлар айниқса, данакли нав ва узумнинг кишмиш сорти билан ёмон таъминламоқда. Бизга шунингдек, сабзавот ва резавор экинларнинг энг ҳосилдор навлари ҳам зарур. Узумзорлар учун симбағозлар етишмади. Бу етишмовчилик узумзорларнинг ҳосилдорлигини оширишга салбий таъсир қилмоқда.

Ушбу фактларни қандай баҳолаш мумкин? Мана, тўрт йилдирки, «Союзпишетара» бизнинг консерва заводларимизни реал бўлмаган таъминотчиларга боғлаб қўймоқда. Ўтган йили бизга 54 миллион дона ярим литрлик банка етказиб беришга ваъда қилишганди. Бироқ, таъминотчилардан бири —Фрунзе шиша заводи бир литрлик банка ишлаб чиқаришга ўтаётганлиги учун бизнинг буюртмани бажаролмаслигини айтди. Қувасой шиша заводи бизга керакли бўлган банкани умуман ишлаб чиқармаяпти. «Союзпишчетара» буни яхши билади. Барибир заводни таъминотчи сифатида бизга белгилаб қўяди. Бирлашмамиз зарур бўлган 42 миллион дона 0,7 литрли шишани тўла даражада ололмаяпти.

Бундай келишилмовчиликнинг келиб чиқишига сабаб нима? Ҳозир барча шиша заводлари Қурилиш материаллари саноати министрлиги ихтиёрида бўлиб, улар асосан озиқ-овқат саноати корхоналари учун ишлайди. Балки, уларни СССР Озиқ-овқат саноати министрлиги ихтиёрига бериш мақсадга мувофиқдир. Бизга идишларнинг фақат план асосида берилиши факти билан келишиб бўладими? Ҳосилдорлик яхши бўлган йилда пландан ташқари етиштирилган маҳсулот нобуд бўлади.

Агро-саноат интеграцияси тўла равишда амалга оширилмаганлиги ҳақида индамаслик инсофдан эмас. Бизнинг бирлашмамизга қарашли консерва ва вино заводларини планлаштириш, маблағ билан таъминлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалалари билан ҳамон республика Озиқ-овқат саноати министрлиги, айрим масалаларни, яъни совхозлар фаолиятига оид масалаларни Қишлоқ хўжалик министрлиги ҳал этмоқда. Бизнингча, завод ва совхозларга раҳбарликни бир қўлга ўтказиш лозим. Ана шунда саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш, барча тармоқлар самарадорлигини кўтариш имконияти туғилади.

О. АЛИМОВ.
«Узплодоовощвинпром» агро-саноат бирлашмасининг раиси.
Тошкент шаҳри.

(«Правда» газетасининг 1979 йил 2 июнь сонидан).

ИЛҒОР МЕХАНИЗАТОРЛАР

Толимаржон сув омбори қурилишида «Гидрострой» трести механизаторлари жонбозлик кўрсатишмоқда. Булар ўнинчи беш йилликнинг зарбдор йили учун мўлжалланган иш программасини муваффақиятли бажаришяпти. Машина ва механизмлар икки сменада ишлатилиб, юксак меҳнат унумдорлигига эришилмоқда.

6-қурилиш-монтаж бошқармасининг Г. Мусаев бошлиқ комплекс бригадаси аъзолари мусобақада пешқадам. Бригаданинг ҳар бир аъзоси иккинчи касбнинг эгаси. Улар «Сафимизда биронта ҳам қолоқлар бўлмасин» шиори остида меҳнат қилишмоқда.

Қурилишда Э. Бердиев, С. Николаев сингари дурадгор-бетончилар, бульдозерчи А. Бузгланов ва бошқа ишчилар яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Ҳозир улар 1981 йил ҳисобига ишлашмоқда.

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

ТЎҚИМАЧИЛИК ГИГАНТИ

КПСС XXV съезди қарорларига муво фиқ Андижон ипгазлама комбинати қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Қурилишда ишлаётган барча коллективлар кунлик ва ойлик топшириқларни ортиғи билан адо этишяпти.

Келаси йили корхонада дастлабки ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилади. Натижада 30 миллга яқин тўқув веретени тайёрланади. 162-қурилиш трестининг бўлинмаларн ана шу ишлаб чиқариш қувватлари учун биноларг барпо этяпти. Хом ашё омборхонаси қурилишида С. Сордин ва Р. Гильмутдинов бошчилигидаги бригада аъзолари ишларни графикдан олдин бажаришяпти. Улар бу бино пойдеворини қўйиб бўлгач, тайёр маҳсулотлар омборхонасини тиклаш ишига ўтишди.

ЯНГИ МАКТАБ

Пойтахт ўқувчилари ўндан зиёд янги мактабларда янги ўқув йилини бошлашади. Ҳозир «Главташкентстрой» бўлинмалари янги мактабларни жадал суръатда барпо этишяпти.

«Главташкентстрой»нинг 6-қурилиш трести 70-қурилиш бошқармаси бинокорлари 1568 ўринли мактаб биносини муддатидан илгари фойдаланишга топширишга аҳд қилган. Ўзаро мусобақа асосида иш юритаётган бинокорлар планларни ошириб бажариш билан бирга қурилиш материалларининг иқтисод қилиб қолишмоқда.

Куни кеча янги мактабнинг ўқув корпусида конструкцияларни монтаж қилиш иши тугалланди. Бунда келаси йил ҳисобига ишлаётган С. Пирмуҳамедов, Н. Тешабоев, Т. Содиқов сингари бинокорларнинг ҳиссаси катта бўлди.

26 мини тонна пилла учун

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари қарорларига жавобан социалистик мусобақани кучайтираётган Балиқчи район заршуносларн социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Ота-Ватан хирмонига 302 тонна қимматбаҳо хом ашё топширилди. Ҳар бир қути қурт уруғидан 80 килограммдан пилла олинди.

Бу меҳнат ғалабасига «КПСС XXV съезди», Куйбишев номли, «Коммунист», «Социализм», «Пахтакор», «Правда», «Ленинград» колхозлари ва Максим Горький номли совхоз пилладорлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Район заршуносларн ошнрилган мажбурият ҳисобига пилла топширмоқдалар.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ТИНЧЛИК ВА КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Жаҳон жамоатчилиги ва матбуоти совет партия-ҳукумат делегациясининг ВХРга қилган визити якунларини зўр мароқ билан муҳокама қилмоқда. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан ВСИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Я. Кадарнинг Венгрия телевидениеси орқали сўзлаган нутқларини батафсил шарҳламоқда. Ахборот воситаларининг уқтириб ёзишича, совет делегациясининг Венгрияга қилган визити зўр халқаро аҳамиятга молик воқеа, Совет—Венгрия дўстлигини чуқурлаштириш, социалистик мамлакатлар ҳамдўстлигини мустаҳкамлашдан иборат олижаноб ишга, бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилишга қўшилган янги катта ҳисса бўлди.

Визит донмо Венгрия матбуотининг диққат марказида турди. Совет—Венгрия музокаралар тўла ҳамжиҳатлик, яқдиллик, ўртоқлик ва қардошлик руҳида ўтганини газеталар таъкидламоқдалар.

«Непсабадшаг» газетасининг уқтириб ёзишича, Л. И. Брежнев ҳақли равишда кўрсатиб ўтганидек, Совет Иттифоқи билан Венгрия коммунизм ва социализм қурилиши жараёнида янги ҳодисалар, янги муаммоларга дуч келмоқдалар. Шу боисдан ҳам йўлларимизни, аниқроғи умумий йўлимизни таққослаб туриш фойдалидир. Биз битта фикрга: тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга, халқларнинг бутун куч-ғайратларн ва ресурсларини бунёдкорлик мақсадларига тўла-тўкис сарфлашга имкон бериш фикрига амал қиляпмиз. Мана шундагина инсониятнинг социал тараққиёти учун тўла имконият очилади.

Л. И. Брежнев билан Я. Кадарнинг музокаралари нуқтаи назарлар ва принципларнинг бирлигини намойиш қилди, деб таъкидлайди газета.

Совет Иттифоқи дунёга келган пайтдан бошлаб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасидан бошлаб шу кунгача социал тараққиёт ва тинчлик ишига муттасил хизмат қилиб келган ва хизмат қилаётган совет ташқи сиёсати халқаро аҳволда ҳал қилувчи омилдир, деб ёзади сўнгра «Непсабадшаг» газетаси. Бунда венгер халқи яхши биладиган ва астойдил ҳурмат қиладиган Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг алоҳида хизмати борлиги ҳаммага маълум.

Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегациясининг Венгрияга визити, деб уқтиради Чехословакиядаги «Руде право» газетаси, аввало шунинг учун жаҳон жамоатчилигининг эътиборини ўзига тортмоқдаки, визит давомида партия ва Совет давлатининг раҳбари СССРнинг энг муҳим халқаро проблемалар хусусидаги нуқтаи назарини ифодалаб берди. Кейинги йилларда Совет—Америка муносабатларида катта ижобий ўзгаришларга эришилишида, бу муносабатларнинг характери халқаро вазиятга ҳал қилувчи таъсир ўтказаётганлигида Леонид Ильич Брежневнинг алоҳида хизматлари бор. Бенихоя мураккаб ва бутун дунё учун муҳим аҳамиятга эга бўлган проблема — стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги музокаралар муваффақиятли тугалланаётганлиги ҳам ўртоқ Л. И. Брежневнинг, КПСС ва Совет ҳукумати раҳбарларининг катта хизматидир.

АҚШ оммавий ахборот воситалари Л. И. Брежнев нутқининг Совет—Америка муносабатларига бағишланган бўлимига алоҳида эътибор бермоқдалар. Совет раҳбари, деб ёзади «Вашингтон пост» газетаси, олий даражадаги янги Совет—Америка учрашуви икала мамлакат ўртасидаги муносабатларни умуман яхшилашга, шу тариқа бутун халқаро иқлимни ҳам яхшилашга ёрдам бера олишини уқтирди. Бундай яхшилаш учун зарурат бор. Стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги Совет—Америка шартномаси ядровий қуролланиш пойгасини чеклаш йўлида илгари қилинган ҳамма ишлардан кўра энг катта иш бўлиб қолишини Л. И. Брежнев таъкидлаб ўтди. Л. И. Брежнев Венада актив ва амалий мулоқатга тўла тайёр эканини ва Америка томонининг позициясн ҳам шундай бўлади, деб умид қилаётганини айтди.

Франциядаги «Фигаро» газетаси стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги Совет—Америка шартномаси ядровий қуролланиш пойгасини чеклашда энг катта тадбир бўлиб қолади, деган фикрни баён этди. (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ **ПРАГА.** Шимолий Моравиянинг Жабень шаҳрида янги йирик целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик комбинати қурила бошланди. Бу корхона ҳар йили республика халқ хўжалигига 200 минг тонна целлюлоза, 82 минг тоннадан зиёд қоғоз, шунингдек, мебель саноати учун қимматли хом ашё тайёрлаб беради.

✦ **ВЕНА.** Австрияда ёшларни иш билан таъминлаш проблемаси тобора кескин тус олмоқда. Сўл касаба союз блокининг баёнотида қуйидагилар таъкидлаб ўтилди: Штирия ўлкасининг бир ўзидагина нечта ўн минглаб ёшлар доимий иш билан таъминланмаган. Мактабларни битириб чиққан ёшларнинг тўртдан бир қисмигина ишлаб чиқаришда шогирдлик ўрнини олиши мумкин.

✦ **ДОРУССАЛОМ.** Танзания пойтахтида Зимбабве Ватанпарварлик фронти раҳбарлари ҳамда фронт ёқасидаги давлатлар: Ангола, Танзания, Мозамбик, Замбия ва Ботсвана давлатлари ташқи ишлар министрларининг иштирокида кенгаш бўлиб ўтган. Кенгашда Нигерия ташқи ишлар министри ва Африка Бирлиги ташкилоти озодлик комитети ижрочи секретари Х. Мибита ҳам иштирок этди.

Кенгаш иштирокчилари Родезиядаги аҳволни ва Солсбери қўғирчоқ режимига нисбатан стратегияни муҳокама қилдилар.

✦ **КУВАЙТ.** Яқин Шарқда иқтисодий ва социал планлаштириш институти кенгашининг мажлиси бўлди. Бу мажлисда Мисрни кенгаш аъзолигидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинди. Араб мамлакатлари ташқи ишлар ва экономика министрлари Багдод конференциясининг резолюцияларига қарши шундай чора кўрилди. (ТАСС).

ХАЛҚАРО ОБЗОР

ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегациясининг Венгрияга қилган расмий дўстона визити якунлари бутун жаҳонда зўр мамнуният билан кутиб олинди. Чет мамлакатларнинг матбуоти визит вақтида олиб борилган совет—венгер музокараларининг самарали натижалари, маданий ва илмий ҳамкорлик тўғрисидаги янги Совет—Венгрия битимининг имзоланиши ҳамда КПСС билан ВСИП ўртасида, СССР билан ВХР ўртасида дўстлик ва қардошларча ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги қўшма баёнот тинчлик ва хавфсизлик манфаатларини кўзлаган муҳим халқаро воқеа, деб ҳисоблайди.

Л. И. Брежнев билан Я. Кадарнинг Совет Иттифоқи ва Венгрия Варшава Шартномасида қатнашувчи ўз иттифоқчилари билан биргаликда кескинликни юмшатиш жараёнини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, уни муқаррар давом этадиган жараёнга айлантиришга қатъий қарор берганлигини таъкидлаб ўтганликлари Ғарбий Европа мамлакатларида катта қизиқиш туғдирди. Ғарбий Европа мамлакатларининг тараққийпарвар жамоатчилиги Совет Иттифоқи, Венгриянинг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш ва Европа қитъасида ҳарбий кескинликни юмшатишга қаратилган амалий тадбирларни кўришга тайёр эканлигини табрикламоқда.

Социалистик мамлакатлар Европадаги барча давлатларнинг, АҚШ ва Канаданинг иштироки билан сиёсий конференция чақириш ҳақидаги таклифни илгари сурдилар. Ана шу янги муҳим ташаббус ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Шу ғоят муҳим талабнинг амалга оширилиши ҳарбий қарама-қаршиликни камайтириш, қуролли кучлар ва қурол-яроғларнинг тўпланишини камайтириш ва қисқартиришга олиб борадиган мавжуд ҳамма таклифларни ва янгидан ўртага қўйиладиган таклифларни амалий равишда кўриб чиқиш учун кенг имкониятлар очиб бериш ҳаммага аёндир.

Совет партия-ҳукумат делегациясининг Венгрияга қилган визити муваффақиятли тугалланганлиги социалистик ҳамдўстлик бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга, Европада ҳамда бутун жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга яна бир марта реал ва салмоқли ҳисса қўшди.

ИСРОИЛ АГРЕССИЯСИ ГИРДОБИДА

Жафокаш Ливан яна Исроил агрессияси гирдобига дучор бўлди. Мамлакатнинг жанубий қисми икки ҳафтадан буён ваҳшиёна тўпга тутилмоқда. денгиздан ва ҳаводан бомбардимон қилинмоқда ҳамда ракета зарбаларига дучор бўлмоқда. Неча юзлаб бегуноҳ кишилар ўлдирилди ва жароҳатланди, 2000 га яқин уй-жой вайрон қилинди ёки шикастланди, 40 минг киши бошпанасиз қолди ва тирикчилик воситаларидан маҳрум бўлди.

Буларнинг ҳаммаси Вашингтоннинг фармойишига биноан тузилган Исроил—Миср сепарат битимининг бевосита оқибатидир. Ливанда неча юз минглаб фаластинлик араб қочоқлари ўзига бошпана топган эди. Исроилнинг бу мамлакатга қарши агрессия қилишдан кузатган мақсади фаластинликларнинг ўз қонуний миллий ҳуқуқлари учун курашга бўлган иродасини қақшатишдан, ливанликларнинг уларга нисбатан адоватини қучайтириш ва араблар ўртасида низо туғдиришдан иборат.

Агрессорнинг планлари мамлакатнинг жанубида ҳарбий кескинликни сақлаш ва келгусида янги агрессив ҳужумлар қилиш учун ҳарбий плацдарм вужудга келтириш мақсадида Ливанни парчалаб юборишни ҳам кўзда тутганлиги тамомила аёндир. Исроил ана шу жиноий ниятларини Ливанда ўзининг қўғирчоқ ролини бажараётган ўнг христиан сепаратчилар ёрдами билан амалга оширмоқчи бўляпти.

Тель-Авивнинг бевосита кўрсатмасига биноан сепаратчиларнинг бошлиғи, Ливан армиясининг собиқ майори Ҳаддад 18 апрелда Ливаннинг жанубида «Христиан давлати» — «эркин Ливан» тузилганлигини эълон қилди. Бу «давлат»нинг территорияси 700 квадрат километр бўлиб, унинг аҳолиси 100 минг кишидан иборат. Бу аҳолининг 40 мингтасигина христиан бўлиб, қолганлари мусулмонлардир. Маълумки, «христиан давлати»ни вужудга келтириш соҳасидаги ана шу найранглар Исроилнинг амалдаги ҳукмронлигини яширувчи соҳта уринишдан бошқа бир нарса эмас.

Исроил Жанубий Ливанда сепаратчилар эълон қилган соҳта давлатдан Ливандаги миллий-ватанпарвар кучларга ва фаластинликларга зарба бериш учун база сифатида ошкора фойдаланмоқда. Яқинда Исроилнинг ҳарбий кемаси Ливаннинг Жуния портига беҳаёлик билан бостириб кирди. Шундан кейин бу кемада Исроил мудофаа министри Вейцман, Исроил армияси штабининг бошлиғи Эйтан, сепаратчилар бошлиғи Ҳаддад ва Ливан консерваторлари раҳбарларининг иштироки билан кенгаш ўтказилди.

Ливан ҳукумати Исроилнинг қабиҳ ҳаракатларига қарши қатъий норозилик билдирди ва ёрдам сўраб, БМТ Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилди. Хавфсизлик Кенгаши зудлик билан мажлис ўтказди. Фаластин Озодлик ташкилотининг БМТдаги доимий кузатувчиси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретариға топширган мактубда Исроил ҳарбийларининг жиноятлари сионистларнинг Фаластин халқини геноцид йўли билан қириб ташлаш планини давом эттиришдан бошқа бир нарса эмас, деб таъкидлаб ўтилди. АҚШнинг очиқдан-очиқ қўллаб-қувватлаши ва розилиги билан шундай жиноятлар қилинмоқда. Тель-Авив бошлаб юборган террор кампанияси БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Ливаннинг жанубий қисмини мамлакатнинг қонуний ҳукумати назоратига топшириш тўғрисидаги резолюцияларини бажаришга йўл қўймаслик мақсадини ҳам кўзда тутади.

Халқаро кенг жамоатчилик Исроилнинг ваҳшиёна хуружларини кескин қораламоқда ҳамда Ливан халқи ва ҳукуматининг ҳаққоний ишини қўллаб-қувватламоқда.

Г. ШИШКИН.
(ТАСС).

ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

БЕБАҲО ХАЗИНА

Баку нефтни қайта ишлаш заводи Озарбайжоннинг энг йирик саноат корхоналаридан биридир. Завод ишчилари йилдан-йилга катта меҳнат зафарларини қўлга киритишмоқда. Суратда: заводнинг 4-цехи илғор ишчилари И. Багиров, К. Кулиев ва Р. Гаджиевларни кўриб турибсиз.

Озарбайжонда ўзбек, Ўзбекистонда озарбайжон адабиёти кунлари ўтказилиши анъана бўлиб қолди. Бу, авало шаклан миллий, мазмунан социалистик совет адабиётининг янги-янги шаклларда ривожланишининг порлоқ тантанаси, амалий намойишидир.

Озарбайжонликлар ва ўзбеклар қадимий халқлардир. Уларнинг адабиётлари ва маданиятлари кўп асрлик, бой тарихий ўтмишга эга. Бугунги кунда мазкур адабиётлар ватанпарварлик, гуманизм ва юксак демократик идеалларни тарқиб топдириб, ўз миллий ва адабий анъаналари негизида юксала бориб, дунё маданияти хазинасига улкан намояндалари билан ҳисса қўшган совет адабиётининг кучли бўғинларини ташкил этмоқда.

Низомийни устоз сифатида улуғлаган Навоий ўз «Хамса»сини унинг номи билан бошлаб, унинг номи билан тугаллаган. У ифтихор туйғуси билан Низомийнинг шогирди эканини қайта-қайта қайд этади.

Низомий асарлари дунёнинг кўпгина халқлари тилига таржима қилинган. Лекин илк таржима буюк ўзбек халқи номи билан боғлиқ. Халқ шоири Ғафур Ғулом айтганидек, ўзбек халқи фахрланишга ҳақлидир. Чунки Низомийни ўз она тилига таржима қилган халқлар сафида ўзбек халқи биринчилар қаторида туради. Ўзбек халқининг фарзанди шоир Қутб Хоразмий Низомийнинг «Хисрав ва Ширин» достонини она тилига таржима қилди. Низомий меросига эҳтиром кейинчалик ҳам Ўзбекистонда ўз аксини топди. XV асрда шоир Ҳайдар Хоразмий Низомийнинг «Сирлар хазинаси», XIX асрда эса Огаҳий «Етти гўзал» асарларини ўзбек тилига таржима қилишди.

Низомий Ўзбекистонда севилгани каби, Навоий ҳам Озарбайжонда севиб ўқилмоқда. Халқимиз Навоийни оригиналда ўқийди, уни ўз шоири ҳисоблайди. С. Вургун 1940 йилда Москвада ўтказилган Низомий ва Навоий юбилей комитетларининг мажлисида шундай деганди: «Мен ва менинг ўртоқларим кейинги йилларгача Навоий ўзбек шоири эканини билмасдик, ҳамма жойда унинг номи озарбайжон шоиридек тилга олинарди». Бундан С. Вургун Навоийнинг чиндан ҳам ўзбек шоири эканлигини билмас экан, деган маъно чиқмайди. Унинг бу доно, шоирона гапи замирида бир-бирини оригиналда ўқий оладиган, тушунадиган, ҳис этадиган, таржимасиз ҳам бир-бирини англайдиган озарбайжон ва ўзбек халқининг қардошлик ва дўстлик муҳаббати ётади.

Озарбайжон ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик ва қардошликнинг, шунингдек адабий алоқаларнинг қадимий тарихи уларнинг тили, тақдири, анъанаси, ҳаёт ва тушунча сингари умумий жиҳатларининг ўхшашлиги билан ажралиб туради. Навоийнинг Озарбайжонда, Фузулийнинг Ўзбекистонда севиб ўқилишининг яна бир сабаби бу халқларнинг жуда қадимдан бошланган тарихининг бир илдизга боғлиқ эканлигидир. Навоий ўз асарларида башорат қилган эди: агар Низомий Ганжада, Амир Хисрав Ҳиндистонда, Жомий Ироқ — Арабда шуҳрат қозонган бўлса, Чиндан бошланиб Табризгача чўзилган бутун турк эллари меникидир. Навоий айтган бу элларда Насимий, Навоий, Фузулий, Хатоий, Муқимий, Фурқатларни севиб ўқишади. Биргина Фузулийнинг асарлари Ўзбекистонда 50 мартадан кўп нашр этилди. Адабиётшунос П. Қаюмов 300 га яқин ўзбек шоирининг Фузулийона ғазаллари ва назираларини тўплади. Лирикада адабий инқилоб қилган санъаткорнинг шеърлари ўзбек халқи турмушига сингиб кетган. Ўзбекистонда тайёрланган дурданалар ҳошиясига Фузулийнинг **«Гул ғунчалигида хор иландир, очилса ўзга бир ёр иландир»** байти ёзиларкан. Бундай фактлар кўп.

Озарбайжон ва ўзбек халқлари ўртасида қардошлик, дўстлик, адабий ва маданий алоқалар Совет ҳокимияти йилларида янгидан-янги шакл касб этди. Бу эса уларнинг айни ижтимоий-сиёсий шароитида шаклланган ва борган сари мужассамлашаётган психологиясида умумий оҳанг кашф этиб, совет халқи тариҳий бирлигининг вужудга келишига хизмат қилмоқда.

Озарбайжон ва ўзбек тиллари ўртасидаги яқинлик ҳам бу халқларнинг маънавий бойликларини ўзаро баҳам кўришда катта роль ўйнайди. Халқ шоири Ғафур Ғулом Озарбайжон адабиёти ҳақида энциклопедик билимга эга эди, Озарбайжон шоирлари шеърларини оригиналдан ўқирди. Шоира Зулфия айтишича, Рашид Нуриниг «Чоли қуши» романи, Ж. Жабборлининг «Қиз қалъаси» ва «Олов келини» асарларини озарбайжон тилида ўқиган экан. Бу тил менга ўз она тилимдай ширин, дейди шоира.

Совет адабиёти ва санъатининг борган сари гуркираб ривожланишида адабий алоқаларнинг аҳамияти катта. Ўзбек шоирларидан Ҳ. Олимжон, Ғафур Ғулом, Ғайратий, Миртемир, М. Бобоев, Зулфия, Ҳ. Ғулом, Р. Бобожон, Н. Нарзуллаев, Э. Воҳидов ижодида, М. Шайхзоданинг «Тоғ ва денгиз», Шуҳратнинг «Кавказ дафтари» туркум шеърлари, Ҳ. Назирнинг «Мафтунман, Озарбайжон» очеркида Озарбайжон халқининг коммунизм қуриш йўлидаги қаҳрамонона меҳнати мадҳ этилганидек, Озарбайжон ёзувчилари ва шоирлари асарларида Ўзбекистон меҳнат жасорати ўзининг бадиий аксини топмоқда. Ёзувчилар союзининг ўзаро текшириш бригадаси билан Ўзбекистонга борган ёзувчилардан М. Иброҳимов, А. Валиев, Юсуф Ширвон, У. Саривелли ва А. Курчойли қатор очерк ва асарлар ёзишди. Озарбайжон ёзувчиларининг ўрта авлодига мансуб Н. Ҳазрий, Б. Ваҳобзода, Ҳ. Ориф, Н. Ҳасанзода, Х. Рзо ва бошқалар ижодида Ўзбекистон мавзуси алоҳида ўрин тутади.

Бу ўзаро ижодий алоқалар қардош халқларни бир-бирига яқинлаштирмоқда. Натижада адабиётларимиз ўзаро яқинлашиб, бир-бирини бойитиб ва тўлдириб бормоқда. Шу тариқа маънавий бойликларнинг бир ўзанга бирлашиш жараёни кучаймоқда. Бу борада таржиманинг роли беқиёсдир. Шу жиҳатдан сўнгги йилларда Озарбайжонда ва Ўзбекистонда катта ишлар қилинди. А. Навоийнинг «Сабаи Сайёр», «Фарҳод ва Ширин», шунингдек Навоий лирикасидан бир китобча, «Ўзбек шеърлари мажмуаси», «Ўзбек эртаклари» китоблари, Парда Турсуннинг «Ўқитувчи» («Етимнинг бахти») романи, А. Қаххорнинг «Қўшчинор чироқлари» романи ва қатор ҳикоялари, Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи, Ш. Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» асари, «Бўрондан кучли», «Голиблар» романлари, А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари, М. Шайхзоданинг икки томлиги ва «Акс-садо» шеърий тўплами, Асқад Мухторнинг ҳикоялари, Ҳ. Ғулом, Р. Бобожон, Н. Нарзуллаев, Э. Воҳидов ва бошқаларнинг асарлари озарбайжон тилида нашр қилинди ва қардошлик хазинасидан муносиб ўрин олди.

Озарбайжон адабий жамоатчилиги Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати кунларига жиддий тайёргарлик кўришди. Шу муносабат билан нашр этиладиган «Қўшиқли Ўзбекистон» китобининг шеърларини шоирларимиздан Р. Рзо, Н. Ҳазрий, Б. Ваҳобзода, А. Курчойли, Ж. Наврўз, Н. Ҳасанзода, С. Рустамхонли, С. Сарҳонли ва бошқалар таржима қилишди. Ўзбек совет адабиётининг улкан иқтидорини ташкил қилувчи насрий асарлардан намуналар, озарбайжон китобхонларига «Қуёшли диёр» китобида тақдим қилинаётир.

Таржима қилинган асарлар ўзбек совет адабиётининг ғоявий савиясини ва унинг маънавий қудратини яна бир бор намойиш қилади. Ўзбек совет адабиёти ўз тараққиётининг бутун босқичларида партиявийлик нуқтаи назаридан ўзбек халқининг ўтмишини, унинг ҳозирги ютуқларини ва шу ютуқлар фонида келажак тантанасини акс эттириб, кўп миллатли адабиётимизнинг гуллаб-яшнашида ва бойиб бориш жараёнида етакчи роль ўйнамоқда.

Ғуломҳусайн АЛИЕВ,
В. И. Ленин номидаги Озарбайжон давлат педагогика институтининг доценти, филология фанлари кандидати.

ИККИ ХАЛҚ ФАРЗАНДИ

Ўзбек совет адабиёти тараққиётида устоз, соҳиб қалам Мақсуд Шайхзода ўзига хос фахрли ўрин эгаллайди. Унинг фаолияти ва ижодиёти кўп асрли ўзбек ва озарбайжон халқлари дўстлиги, маданий алоқалари тарихида янги ва ўзига хос ҳодисадир. Шайхзода 1908 йилда Озарбайжонда туғилди. 1921 йилда «Коммунист» газетасида «Қизил аскар қўшиғи», 1926—1928 йилларда «Доғистон мактаблари» мақолалар туркуми, 1927 йилда «Маориф ва маданият» журналида «Наримон ҳақида халқ эртаги» достони ва бошқа асарлари оммалаштирилди.

1928 йилда Мақсуд Шайхзода Низомий юртидан Навоий диёрига келди. Истеъдодли шоир Шайхзода тез орада ўзбек адабий тили ва ўзбек шеъриятини пухта ўрганиб олди, ўзбек қаламкашлари — Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон ва бошқаларнинг мадади билан камол топди ҳамда шу атоқли сўз санъаткорлари қаторидан ўрин олди.

Мақсуд Шайхзода шеъриятига ўзига хос овоз, шуур, бадиий мантиқ ва поэтик услуб билан кириб келди. Биринчи шеърлар тўплами «Ўн шеър» (1933) билан сўнгги тўплами «Хиёбон»га қадар Мақсуд Шайхзода катта шеърий кутубхона яратди.

Мақсуд Шайхзода ниҳоятда ҳозиржавоб, чинакамига халқ шоири эди.

Шайхзода шеърият мавзуи ва мазмуни билангина эмас, нафосати ва бадияти билан ҳам кишини мафтун этади, сеҳрлайди.

Дастлабки тўпламлари биланоқ китобхонларга манзур бўлган Шайхзоданинг поэтик овози мамлакатимиз ва халқларимиз истиқболи учун ғоят оғир синов кунлари бўлган Улуғ Ватан уруши йилларида янада баралла янгради, сафро ва тоғу тошлар ошиб, фронтларда солдатларимизнинг ўқ ва снарядлари билан бирга душман бошига ёғилди. Шинелли йигитларнинг жанговар шеърлари орасида Мақсуд Шайхзоданинг «Кураш нечун?», «Капитан Гастелло», «Йўқ, мен ўлган эмасман», «Бизнинг Москва», «Берлинда суд бўлғуси», «Муҳаммад тўпчи», «Қуёш қизи Зебохон» каби шеърлари ҳам борки, бу шеърлар ҳарбий мавзудаги умумсовет поэзиясининг олтин фондига қўшилди.

Халқ тарихининг қаҳрамонлик саҳифаларини бадиий мужассамлантириш Улуғ Ватан уруши даври адабиётининг муҳим вазифаларидан эди. Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» шеърий фожиаси, Ойбекнинг «Маҳмуд Таробий» либреттоси билан бир вақтда Шайхзода «Жалолиддин» тарихий драмасини яратди.

Азим санъаткорнинг поэтик маҳорати, публицистик қалами ва драматург сифатидаги ноёб истеъдоди мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш, Ер юзида тинчлик, демократия ва социализмнинг барқарор бўлишига қаратилган. Шайхзода коммунист шоир, Ленин ғояларининг оташин куйчисидир.

Коммунистнинг бўлсайди агар,
Юз жонию, юзи ҳам ширин.
Халққа, юртга ва Коммунага —
Бағишларди қолдирмай бирин, —

деган шоир ўз қалби ва истеъдодини, сози ва овозини В. И. Ленинга, у асос солган Коммунистик партияга бағишлайди. Шайхзода ўзбек ленинномасининг гўзал саҳифаларини битган забардаст шоирдир.

Мақсуд Шайхзоданинг кейинги йиллардаги энг йирик ижодий маҳсулоти «Мирзо Улуғбек» тарихий фожиасидир. Бу асар ўзбек драматургиясидагина эмас, балки умумсовет драматургияси ва санъатида муҳим ҳодисадир. Бу асар ўзбек, рус ва украин театрлари репертуаридан ўрин олди, уни озарбайжонлик санъаткорлар ҳам саҳналаштирмоқдалар.

Пушкин ва Лермонтов, Шевченко ва Мицкевич, Шекспир ва Байрон, Руставели ва Гёте, Нозим Ҳикмат ва Самад Вургун, Маяковский ва Сурков каби сўз санъаткорларининг қатор дурдона асарларини халқимиз Шайхзода таржимасида ўқиб келмоқда.

Мақсуд Шайхзода олим сифатида ҳам жуда катта тадқиқот ишларини яратди. Унинг илмий фаолияти қўлами кенг. У, айниқса, Навоий ижодининг тадқиқотчиси сифатида машҳур.

Шайхзода катта ижодий режалар билан жўшган эди. Афсус бемаҳал ва шафқатсиз ўлим бунга йўл бермади.

Шайхзода ўлмас адабий мерос ва мангу барҳаёт ном қолдирди. У ўзи куйлаган қаҳрамонлар каби абадийдир:

Йўқ, мен ўлган эмасман!
Йўқ мен ўлган эмасман!
Умрим буюк пиёла, ҳали
тўлган эмасман...
Агар ғазал ёзилса, демакки
ёр ўлмапти,
Ширилласа агар сув,
демак миробҳ ўлмапти,
Агар бўлса китобхон, демак
китоб ўлмапти,
Модомики номим бор,
демакки тан яшайди.

Ҳа, Мақсуд Шайхзода халқ билан, шеърият билан, нафосат ва илмият билан мангу барҳаёт.

Н. МАЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби.

НАРД

Маммадга

Ҳамид ҒУЛОМ,
Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати

Ишқим ёлғон бўлса, қалбим, бурдалан!
Боку яқинида бордир Хурдалан,
Бизнинг Сергелидай йўлдош шаҳарча,
Ҳавоси мусаффо ҳудди саҳарча.
Ундан нари — боғлар, яшил, ҳур дала...
У ерда яшайди ўғлим Муҳаммад.
Унн ўз тилида дейдилар Маммад.
Худди Кўрўғлидай паҳлавон қомат.
Уни ҳам сеҳрга олган муҳаббат.

Хуллас, Хурдаланда шундай ўғлим бор,
Илҳом париснинг кўпдан асири.
Балки, бу — отанинг унга таъсири,
Қўлида қаламу кўзида баҳор...
Тунда бирдан телефон жиринглаб қолар:
— Бу менман, ота! — дер Маммад. —
Кутиб ол!
Уйқунн тарк этиб биз кампиру чол,
Тайёрлаймиз унга овқат, сарполар...

Кўкда жимир-жимир юлдузлар чақнар.
Самолёт қўнади бетон майдонга.
Уйқусиз кўзларн ҳумор ўғлонга
Биз қаршн борамиз, очиб қучоқлар.

Э-ҳа, мўйлаби ҳам сабза урибди,
У энди ёш бола эмас, етук мард.
Қўлида афсона тасвирланган нард,
Менга узатаркан, кулиб турибди.

Юз-у кўзларидан ўпаман,
Ҳазар —
Денгиз шўрин шундоқ сезиб лабимда,
Уғлимнн бағримга босиб: «Алҳазар, —
Дейман, — ёмон кўздан!» — эзгу
қалбимда.

— Сенга нард келтирдим, ота! — дер
ўғлон. —
Низомий Фарҳодни суратн бунда,
Озар наққошларнн санъатм бунда.
Шаш-пеш ором берар ишдан толган он...

Нонуштадан кейин уйда икковлон:
Ўзбек ота билан озарий ўғил
Нуқул шеър ўқндик,
Нард сурдик нуқул:
Фирдавсий ва унинг ёнида ўғлон...

Оҳ, мен «Шоҳнома»нн эсладим ногоҳ,
Шоирнинг ўғлига марсиясини,
Элимнинг Фарҳодга таъзиясини,
Ҳамон юрагимни ўртар ўтли оҳ...

Маммад!
Қорабоғнинг сокин йўлида
Кўзларим Кўккўлдай мўлтираган чоғ,
Вагонда купега кирдинг-да ногоҳ,
Менга маъюс боқиб, тутдинг қўлимдан...

« — Ота! — дединг менга. —
Дўстларинг агар:
— Фарҳод қаерда! — деб берсалар
савол.
— Озарбайжонда! — деб жавоб қила
қол. —
У Нефть дошларига қилмишдинр
сафар...»

Шундан бери Маммад келиб турадн,
Тунлари уйғотиб, тонглар тўрғазиб,
Бўшаган уймнн ҳар гал тўлғазиб,
Нард қутисин очиб, шаш-пеш сурадн...

Ўзбек шоирнга бўлгил, деб ҳамдард.
Гўёки, Низомий унн йўллайдн.
Кўҳна боғимда бир ниҳол гуллайдн.
Фақат воситадир бу дўстликкс нард..

ДУНЁ КАФТИМДАДИР

Алнога КУРЧАЎЛИ

Дунё кафтимдадир нағмалари билан,
Дунё кафтимдадир аламлари билан,
Дунё кафтимдадир бутун борн билан,
Яшил оламларн, тоғда қорн билан,
Меннинг кафтимдадир замон, асрлар,
Халқлар, қабилалар, эллар, насллар.
Кўҳна тарихлар-ла яшағайман мен,
Орзуларим дилда ташғайман мен.

Дунё кафтимдадир бор дахшати билан,
Атом бомбаларнн вахшати билан,
Гўдак табассумн, шоҳнинг қасамн,
Унутилган ваъда, ёрнинг ғазабн,
Озодлик, адолат, орзуларн билан,
Барча ерда тошу тарозуларн билан,
Ҳовчимда саноқсиз йиллар, асрлар,
Қахратон қиш, баҳор, сўлим фасллар.

Дунё кафтимдадир турфа ранглари
билан,
Оқ танли, қора тан занжнлари билан,
Қуёшли, юлдузли, зафарлари билан,
Туманли, фарахли саҳарлари билан,
Ҳаёт нағмалари дудоғимдадир,
Бухенвальд нидосн қулоғимдадир.
Менинг кафтимдадир Хиросима ҳам,
Чечакли тупроқ ҳам, ойлн самo ҳам.

Дунёнинг абадий йўлдоши билан,
Денгизи, дарёси, тоғ-тошн билан,
Хаёлим ичрадир, кўзимда яшнар,
Озодликка ташна, мен гулга ташна,
Бутун умрим бўйи юрганман йўллар,
Менга ҳамроҳ бу йўлларда орзулар.
Бир даъфа тўхтамам, сурмам хаёлни
Сукунат бағрига қўймам дунёни.

Дунё кафтимдадир келгуси билан,
Одамзоднинг ташвиш, кулгуси билан,
Қон-қардош элатлар, миллатлари билан,
Тўкин дастурхонлар, неъматлари билан,
Навбаҳорн, тонгги ҳаволарн билан,
Байналминал марши наволари билан,
Қалбимда, қонимда бу буюк маъно,
Келажакка боргум, кафтимда дунё.

Озарбайжончадан Эътибор ОХУНОВА таржимаси.

ҲАЁТБАХШ ОБРАЗ

1940 йили режиссёр Аласкар Шарипов Каплер ва Златогоровнинг «Ленин» пьесасини саҳналаштирди. Ленин образининг саҳнада пайдо бўлиши катта санъат байрамига айланди.

Бир асрлик тарихий йўлни босиб ўтган Озарбайжон театрида дастлаб Ленин образини яратган ва элнинг олқишига сазовор бўлган артист Исмоил Доғистонли эди. Санъаткор Ленининнг буюклигини, характер камолотини, фалсафий фикрлари моҳиятини, эстетик қарашларини, нозик қалб эгаси эканини, ғоявий душманларига қарши принципиаллиги, мурosасиз курашини, оташин нутқларини жонлантириш учун тинимсиз ишлади, тунларни тонгга улади. Ленининг ҳаёти ва ижодини қайта-қайта ўрганди, асарларини ўқиди. Натижада ўзининг етук ижроси билан театримиз тарихида янги саҳифалар очди.

Самад Вургун спектаклни зўр мароқ билан томоша қилгач, шундай ёзганди: «Доғистонли Ленин ролини ижро этган совет саҳна усталарининг тажрибасини чуқур ўрганган. Шунисн қувончлики, артист уларнинг ҳеч қайси бирига тақлид қилмасдан, ўз истеъдодига асосланган ҳолда Ленин сиймосини яратган. Биз унинг ҳар бир ҳаракатида Ленининг жўшқин характерини кўрамиз. Ленин гуманизмининг — душманга шафқатсиз ва халққа муҳаббат билан тўлиб-тошган пролетар йўлбошчиси гуманизмининг моҳиятини Доғистонли жуда ёркин ифодалай олган».

Азизбеков номидаги Озарбайжон Давлат академик драма театри «Тўфонли йил» асарини саҳналаштирди. Аласкар Шариповнинг янги саҳна асарида жанговар руҳ, революцион пафос янада кучлироқ ва янада бўрттириб берилади. Бу ғоя Ленин ролининг ижрочиси Исмоил Доғистонли маҳоратида ўз аксини топди. Актёр яратган Ленин образи илк марта жанговар инсон, буюк раҳбар, қудратли саркарда бўлиб гавдаланди.

Орадан бир неча йил ўтгач, Азизбеков номидаги театр ўз Ленинномасини яратиш йўлидаги изланишларини давом эттира бориб, дадил қадам ташлади. Николай Погодининг «Милтиқли киши», «Кремль курантлари», «Учинчи патетик» трилогияси асосида тайёрланган «Замон ҳукми» спектакли коллективнинг янги ютуғи бўлди.

Мазкур спектаклдаги Ленин роли Исмоил Доғистонли ижросида шуниси билан характерликн, актёр граждан инсон образини гавдалантираркан, ўзи ҳам граждан санъаткор мавқеида туради. Образнинг бой ва мураккаб кўп қиррали характерини граждан жўшқинлиги, граждан пафоси билан очиб беради. Унинг қиёфасида Ленин — доҳий, Ленин — раҳбар, Ленин — файласуф, мутафаккир, Ленин — дўст, Ленин — ўртоқ, Ленин—гражданин сифатида гавдаланади. Узоқ йиллар тажрибаси, образ устида тинимсиз ишлаш, уни янги ифодалар билан бойитиш, ижронинг эстетик таъсир кучини оширишга интилиш Исмоил Доғистонли маҳоратини янада кучайтирди. «Замон ҳукми» спектаклида у доҳий образини гавдалантириш учун бутунлай янги йўлдан борди...

СССР халқ артисти, СССР ва Озарбайжон ССР Давлат мукофотларининг лауреати Исмоил Доғистонли ана шу ўлмас образлари билан Озарбайжон театр санъатининг Ленинномасига асос солди.

Илҳом РАҲИМЛИ,
санъатшунос.

НЕФТЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Аркадий Зверзд билан Алижон Сотқинов Боку сафаридан қайтиб келгач, Андижон нефть ва газ ишлаб чиқариш бошқармасига киришди. Уларни бошқарма бошлиғи Носир Раҳимов қабул қилди.

— Яхши бориб келдиларингизми? Бокулик дўстларимизнинг ишлари қалай?

Мастер Сотқинов: «Сиз гапиринг» деган маънода бош механик Аркадий Зверздга қаради. У ўз хотираларини сўзлаб берди:

— Биз Боку нефть конларида бўлдик. Эски, чуқур қудуқлардан нефть олиш жараёнлари билан танишдик. Ўзингиз биласиз, бизда чуқур қудуқларга қўйилган насосларнинг штангалари мўрт, маълум бир муддатдан сўнг узилиб кетади. Уларни алмаштириш учун кўп тер тўкиш керак. Бокулик нефтчилар Озарбайжон нефть илмий-тадқиқот институти ходимлари ва Л. Т. Шмид номли машинасозлик заводи коллективи билан ҳамкорликда ижодий изланиб, бунинг осон йўлини топишибди. Штангаларни юқори частотали электр токи билан қайта ишлаб, уларнинг «умрини» узайтиришибди, чидамлилигини орттирибди. Меҳнат унумдорлиги кўтарилибди. Энг муҳими, ремонтчиларнинг иши енгиллабди.

Штангаларни тоблаш бизнинг ишимизда ғоятда муҳим нарса. Чунки қудуқлар эскирган сари қатламлардаги нефть озайиб, унинг таркибидаги сув кўпайиб боряпти. Шу сабабдан штангалар тез занглаб, ишдан чиқмоқда. Йўл-йўлакай биз Озарбайжон нефть илмий-тадқиқот институти ва Бокудаги Л. Т. Шмид номли машинасозлик заводига кириб штангаларни қайта ишлаш технологиясини ўрганиб келдик.

— Жуда соз, — деди бошқарма бошлиғи хурсанд бўлиб, — биз ҳам бокуликлар усулини қўллаймиз...

Ленинграддан «ТВЧ» — юқори частотали электр токи билан ишлайдиган установка келтирилиб, «Андижон» нефть конида ўрнатилди. 1977 йилнинг охирида 3 та, 1978 йилда 42 та, бу йил эса 3 та чуқур қудуққа ана шундай қайта ишланган штангалар қўйилди. Оқибатда штангаларнинг синиши камайди. Ремонт ишлари енгиллашди. Бу ишга сарфланадиган маблағ 15—17 процент тежаб қолинадиган бўлди. Қувончлиси шундаки, қудуқлардан олинадиган нефть кўпайди, маҳсулот сифати яхшиланди. Бир ярим йилда 150 минг сўм тежалди.

Ҳозир Андижон нефть конларида бокуликлар усули кенг қўлланила бошланди. Янги установкани мастер Алижон Сотқинов бошқармоқда. Унинг тўрт шогирди бор. Беш киши ҳар куни 50 та штангани қайта ишламоқда. Озарбайжон нефть илмий-тадқиқот институтининг ходими Литровенко Андижонга келиб қайта ишланган штангаларни кўриб, Алижон Сотқиновнинг ишини юқори баҳоладн. Эндиликда Андижон нефтчилари штангаларни қайта ишлашда ўзига хос мактаб яратган бокулик ҳамкасблари билан бемалол беллаша оладилар.

Андижон нефть ва газ ишлаб чиқариш бошқармаси коллективи ўтган беш ойликни муваффақиятли якунлади.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ҳосил байрами қардош республикада ҳақиқий тантанага айланади. Чапдаги суратда санъаткорларнинг бу байрамда чиқиши.

Иккинчи суратда композитор Кара Караевнинг «Нурли йўллар» балетидан бир кўриниш.

В. Ибодов фотоларн.

«ЎЗБЕКФИЛЬМ»НИНГЯНГИ АСАРИ

«МУНОСИБЛАР САЁҲАТИ»

Суратларда: шу фильмдан кадрлар.

«Семурғ», «Ой бориб, омон қайт», «Комсомоллар қайтмоқда», «Салом, сахий инсон», «Баҳор тароналари» каби бир қатор картиналари билан томошабинлар меҳрини қозонган таниқли кинорежиссёр Ҳабибулло Файзиев яқинда ўзининг навбатдаги янги фильмини яратди. «Муносиблар саёҳати» деб аталган бу фильм болаларга бағишланган. Сценарий ўзбек совет болалар адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшган ёзувчи марҳум Владимир Барабаш қаламига мансуб. Картина агар болаликда бошланган ўзаро дўстлик чин ва ҳаққоний бўлса, у ёш улғайганда ҳам, ҳеч қачон ўзгармайди, бир умрга сақланиб қолади, деган олижаноб ғояни илгари суради.

Фильмга Николай Хмара ва Ножим Ғуломов операторлик қилишган. Унга ёзилган куй ва қўшиқлар авторлари — композитор Юрий Тер-Осипов, шоир Онегин Гажикасимов. Асосий ролларни Тошкент мактабларининг ўқувчилари — Баҳодир Турсунов, Андрей Семёнов, Игорь Рейхштат, Ғулом Баяндиев, шунингдек СССР халқ артисти Наби Раҳимов, Ўзбекистон ССР халқ артисти Ёқуб Аҳмедов, республикада хизмат кўрсатган артист Обид Юнусов, актёрлардан Раъно Ҳамроева, Тўғон Режаматов, Алишер Абдураҳмоновлар ижро этишган.

Шуниси қувонарлики, бу икки серияли бадиий рангли телевизион фильм Марказий телевидение («Экран») буюртмасига мувофиқ экранлаштирилди.

Маъруф ҲАКИМОВ

СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси, кинодраматург, таржимон, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими», 1945 йилдан КПСС аъзоси, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси Маъруф Ҳакимов 1979 йил 3 июнь куни 65 ёшида тўсатдан вафот этди.

Маъруф Ҳакимов 1914 йилда Андижон шаҳрида туғилди. Тошкент маориф институтини тамомлагач меҳнат фаолиятини 1938 йилда Ўзбекистон ССР Давлат нашриётида редакторликдан бошлади. Шундан кейинги йилларда республика Ёзувчилар союзи аппаратида, «Шарқ юлдузи» журналининг масъул секретари, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги санъат бошқармасининг бош редактори, республика Давлат кинокомитетининг бош редактори бўлиб ишлади. 1964 йилдан то умрининг охиригача «Ўзбекфильм» киностудияси сценарий-редакцион коллегиясига етакчилик қилди.

Маъруф Ҳакимов прозачи, очеркчи сифатида республикамизда кенг танилган эди. У истеъдодли таржимон бўлиб, рус ва чет эл классикаси, шунингдек СССР халқлари адабиётларини пропаганда қилиш ишига катта ҳисса қўшди. У А. С. Пушкин, А. П. Чехов, М. Горький ва бошқа ёзувчиларнинг кўпгина асарларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилди.

Маъруф Ҳакимовнинг кино санъати соҳасидаги фаолияти ғоят самарали бўлди. У ёзган сценарийлар асосида ғоявий юксак ва бадиий етук бир қанча фильмлар яратилди. Маъруф Ҳакимовнинг таржимонлик истеъдоди кинематографияда кенг намоён бўлди. У Бутуниттифоқ киностудиялари ва иттифоқдош республикалар студияларининг 20 дан кўпроқ бадиий кино асарларини ўзбек тилига таржима қилди.

Маъруф Ҳакимовнинг ижодий, ижтимоий ва ташкилотчилик фаолияти партия ва ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланди. Унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилган, у СССРнинг кўпгина медаллари билан мукофотланган эди.

Ажойиб ўртоқ, коммунист, истеъдодли кинодраматург ва таржимон Маъруф Ҳакимовнинг ёркин хотираси у билан бирга ишлаган ва уни билган кишилар қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

Бир группа ўртоқлари.

БУГУН ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЖАМИЯТИНИНГ V СЪЕЗДИ ОЧИЛАДИ

НАФОСАТ ВА БОЙЛИК МАНБАИ

Атроф табиий муҳитни ҳозирги ва келажак авлодлар манфаатларини кўзлаб муҳофаза этиш ҳамда унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш давримизнинг энг муҳим иқтисодий ва социал вазифаларидан биридир. Бугун, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти атроф муҳитни муҳофаза этиш Халқаро куни деб белгилаган 5 июнда Тошкентда Ўзбекистон табиатни муҳофаза этиш жамиятининг V съезди иш бошлайди. Шу муносабат билан «Совет Ўзбекистони» мухбири Р. Қосимов Ўзбекистон табиатни муҳофаза этиш жамияти республика Совети президиуми раисининг биринчи ўринбосари И. М. ДУДУРАга бир неча савол билан мурожаат этди.

— Иван Макарович, кейинги йилларда табиатни муҳофаза этиш йиғирманчи асрнинг муҳим проблемаларидан бири сифатида тез-тез тилга олинаётганлигининг боиси нимада!

— Ҳозирги кунда, фан-техника революцияси шароитида инсониятнинг планетамиз биосферасига, унинг тузилиши ва энергетикасига таъсири бениҳоя улкандир. Шаҳарлар, саноат корхоналари қурилиши, катта-катта майдонларнинг ўзлаштирилиши, ўрмонзорлар қисқариб бораётгани, сув омборлари бунёд этилиши туфайли планетамиздаги қуруқликнинг бешдан бир қисмида ер юзаси тузилиши кескин ўзгарди. Сув ва иссиқлик мувозанатида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди.

Ҳар йили миллиард тонналаб кўмир, нефть ва газ ёқилиши билан атмосферада карбонад ангидрид кўпаймоқда. Баъзи мамлакатларда ўсимликлар ишлаб бераётган кислород саноат ва транспортнинг бу ҳаёт озиғига бўлган эҳтиёжини қондира олмаяпти. Ҳар йили ер остидан юз миллиард тоннадан ортиқ, яъни аҳоли жон бошига 25 тоннадан ортиқ ҳом ашё қазиб олинмоқда. Афсуски, бу ҳом ашёнинг аксарият қисми, баъзан 90 процентчаси чиқиндига айланиб, атроф муҳитни булғамоқда.

Атроф муҳитнинг бундай ифлосланиши, шунингдек ўсимлик ва ҳайвонларнинг баъзи турлари камайиб, ўрмонлар майдони қисқариб бораётгани, тупроқнинг шамол ва сув таъсирида емирилиши ҳақли равишда ташвиш туғдирмоқда. Айни чоғда аҳоли тухтовсиз кўпайиб бораётгани ҳолда айрим тараққий этган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида маҳсулдорлик суст ўсаётганлиги сезилмоқда.

Шу боисдан атроф муҳитни, бинобарин табиатни муҳофаза этиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ўзўзидан асримизнинг муҳим проблемаларидан бирига айланди. Бу борада халқаро ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Атроф табиий муҳитни кўриқлашнинг муайян соҳалари бўйича давлатлар ўртасида икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузилмоқда. Мамлакатимиз табиатни муҳофаза этишга мутасадди бўлган халқаро ташкилотлар, жумладан, ўтган йили 30 йиллиги нишонланган табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза этиш Халқаро Иттифоқи ишида фаол қатнашиб келмоқда.

Табиатни муҳофаза этишда социалистик мамлакатлар, энг аввало Совет Иттифоқида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор. Бизда бу ишга давлат аҳамиятига молик вазифа деб қаралади. Партия XXV съезди қарорларида, СССР Конституциясида, бир қанча муҳим ҳужжатларда, ер ости бойликлари ва ўрмонлар ҳақидаги ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар қонунларида бу масалага алоҳида тўхтаб ўтилган. Айниқса, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Табиатни муҳофаза қилишни кучайтириш ва табиий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарори жуда катта аҳамиятга молликдир.

— Республикамиз табиат ошиқлари бу муҳим ишга қандай ҳисса қўшмоқдалар?

— Табиатни ғорат қилмаслик, унинг бокиралигини мумкин қадар сақлаб қолиш, бойликларини кўпайтириш ва бу бойликлардан оқилона фойдаланиш 14 мингга яқин бошланғич ташкилотга бирлашган жамиятимизнинг қарийб 4 миллион аъзосининг ҳар бири учун шон-шараф иши бўлиб қолди.

Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамияти республика Совети қошида 11 секция ишлаб турибди. Секция аъзолари табий ресурсларни кўриқлаш тадбирлари бажарилишини назорат қилиб борадилар, аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишлари, лекция ва суҳбатлар ўтказадилар. Айниқса, ўсимликлар ва ҳайвонларни муҳофаза этиш секциялари иши диққатга сазовор. Улар республикамиз территориясида учровчи ўсимлик ва ҳайвонларнинг ноёб тур ва хиллари китоби — Ўзбекистон ССР Қизил китоби тўғрисидаги низомни яратиш устида катта иш олиб бордилар. Бу китоб республика Министрлар Совети томонидан тасдиқланди. Айни чоғда секцияларда шу Қизил китобга киритиладиган ўсимлик ва жониворлар муқаммал рўйхатини тузиш иши охирига етказилди.

Усмирлар ва ёшлар секцияси фаолияти ҳам ибратлидир. Ҳозирги кунда республикамизда 421 та табиатсеварлар клублари мавжуд. Қушлар ва ҳайвонларнинг ёш дўстлари, боғбонлар, гулчилар, ўлкашунослар, тупроқшунослар ва табиатшунослар тўгараклари ишлаб турибди. «Қушлар кунлари» ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Ёшлар қуш ва жониворлар ҳақида ғамхўрлик қилмоқдалар, кўча, хиёбон ва парклардаги яшил нов-ниҳолларни парвариш қилмоқдалар, кўчатлар экиб боғлар барпо этмоқдалар.

Шу ўринда серқуёш диёримизда қарор топган ажойиб анъаналардан бири — кўчат экиш ойликлари хусусида алоҳида тўхтаб ўтиш лозим. Ҳар йили ўтказиладиган бундай ойликларда Ўзбекистоннинг қарийб барча аҳолиси иштирок этади. Табиийки, бу олижаноб ишдан жамиятимиз фаоллари ҳам четда қолмайдилар. Улар кўчат ўтказишда қатнашишдан ташқари тегишли ташкилотлар билан биргаликда бу ишнинг боришини назорат киладилар. Бу хил тадбирлар кўламини тасаввур этиш учун шу йил баҳорги кўчат ўтказиш ойлиги вақтида 18,5 минг гектар майдонда боғ ва токзор барпо этилганини, 88,5 миллион туп тут кўчати ўтказилганлигини айтиш кифоя. Ер ости сувларини муҳофаза этиш секцияси аъзолари ҳаракати туфайли 5 мингга яқин булоқлар аниқланиб, улардан фойдаланиш йўллари белгиланди.

Жамиятимизнинг республика ва область Советлари ёрдамида саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда жамоатчилик асосида ишловчи мингдан ортиқ техник назорат комитетлари тузилди. Улар атмосферани саноат чиқиндилари билан ифлослантирмаслик ва тозалаш қурилмалари ишини назорат қилишда, заҳарли химикатларни сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланишда, тупроқни эрозиядан сақлашда корхона ва ташкилотлар раҳбарларига кўмаклашмоқдалар. Биргина Сирдарё ГРЭСида шундай қурилмалар туфайли атмосферанинг азот оксиди билан ифлосланиши 1,5—2 баравар камайди.

Республикамизда ўндан ортиқ табиат халқ университетлари мунтазам равишда ишлаб турибди. Табиатни муҳофаза этишга бағишланган китоб ва рисолалар, плакат ва буклетлар нашр этилмоқда.

Ўзбекистон табиатни муҳофаза этиш жамияти аъзолари, фаоллари, барча табиатсеварлар партия ташкилотлари раҳбарлигида, совет органлари ва жамоат ташкилотларининг ёрдамида табиатни муҳофаза этиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун бундан буён ҳам бутун кучғайрат ва тажрибаларини сарфлайверадилар. Зеро, Ватанимиз табиати ҳамиша бой, гўзал ва ажойиблигича қолиши, бизга ҳам, келгуси авлодларга ҳам моддий ресурслар ва ижодий илҳомнинг битмас-туганмас манбаи бўлиб хизмат қилиши учун қурашиш ҳар биримизнинг муштарак бурчимиздир.

БОЛАЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ

ҚУРТ БОҚДИК

Мактабда биз —
Беш ўғил-қиз,
Иноқ бўлиб қурт боқдик.
Сўри тикиб,
Уруғ «экиб»
Исинсин деб ўт ёқдик.
Қувноқ ёшлар
Ишга бошлар,
Звеновой Наргиза.
Кесиб Ашир,
Ҳаким ташир
Қуртларга тут баргидан.
Мен ҳам олиб,
Даста қилиб
Узатаман Ҳуригa.
Ҳури аста,
Зўр ҳавасда
Барг тарайди сўригa.
Барг кемириб,
Тез семириб,
Ипак қурт «виш-виш»лайди.
Унинг иши —
Барг ейиш,
Тиним билмай ишлайди.
Тун-кун шошиб,
«Овқат» ташиб
Келмоқдамиз зўрга бас.
Чарчаймиз биз —
Беш ўғил-қиз,
У ейишдан чарчамас.
Кунлар ўтди,
Тунлар ўтди,
Қуртлар пилла ўради.
Сара пилла,
Гўё тилла
Минг товланиб туради.
Пилла йиғиб,
Ғолиб чиқиб
Юртга ҳадя этган дам,
Қувониб биз —
Беш ўғил-қиз
Унутдик чарчоқни ҳам.

Файзи ШОҲИСМОИЛ.

РЕКЛАМА ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 34-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1979—80 ўқув йили учун ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

штамп, пресслайдиган қолип ва мосламаларни тайёрлаш ҳам. да созлаш бўйича асбобсоз-слесарлар (йигитлар); саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар (йигитлар); саноат электр асбобларини созловчи электромонтёрлар (йигитлар); токарь-универсал, иккиламчи электр занжирларини монтаж қилувчилар (қизлар); электр машина ва аппаратларини йигувчилар (қизлар), ярим ўтказгичли асбобларни йигувчилар (қизлар); интеграл-микросхемаларни йигувчилар (қизлар); чизмачи-конструкторлар (қизлар ва йигитлар).

ЎҚИШ МУДДАТИ: 8-синфни битирганлар учун 2 йил, 10-синфни битирганлар учун 1 йил.

8-синф ҳажмида маълумот билан қабул қилинганлар 2 маҳал бепул иссиқ овқат ва устки кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўрта маълумот билан ўқишга қабул қилинганларга 30 сўм стипендия берилади.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг учдан бир қисмини оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Билим юртини битирганлар конкурссиз ўрта ва олий ўқув юртларига қабул қилинадилар.

Совет Армияси сафидан қайтганлар учун ўқиш муддати қисқартирилади ва уларга 72 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

Ҳунар-техника билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), автобиография, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, мактабдан ёки иш жойидан характеристика, ота-онасининг иш жойидан справка, турар жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, 6 та 3х4 см. ҳажмдаги фотосурат.

Бизнинг адрес: 700105, Тошкент шаҳри — 105, Ленин райони, Манжара кўчаси ,137-уй.

ФАРҒОНА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТЕХНИКУМИ (Фарғона область, Фарғона район, Аввал қишлоғи)
1979—1980 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Уй-хўжалик электр аппаратлари; телевизион техника ва радиореле алоқаси; енгил автомашиналарни ремонт қилувчи техник-механиклар; тикувчилик ишлаб чиқариши; бухгалтерия ҳисоби; маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида планлаштириш; кийимларни химиявий йўл билан тозалаш ва бўяш; кўп каналли электр алоқаси.

Кириш имтиҳонлари: 10 синфни битирганлар учун: она тили ва адабиётдан (ишпо), математикадан (оғзаки); кийимларни химиявий йўл билан тозалаш мутахассислигига ўқишга кирувчилар: она тили ва адабиётдан (ишпо), химиядан (оғзаки).

Техникумга кирувчилар ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширишлари лозим: ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат (асли ва нусхаси), 286-формадаги медицина справкаси, 3 та фотосурат (3х4 см.), оилавий аҳволи ҳақида справка, область маиший хизмат кўрсатиш ва область махсус маиший хизмат кўрсатиш бошқармалари ҳамда бирлашмаларидан йўлланма.

Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

АРИЗАЛАР 1 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан бошлаб қабул қилинади.

«ПАХТАКОР» РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИЙ СПОРТ КОМБИНАТИДА 6 ИЮНЬ СОАТ 19.30 ДА **СССР биринчилиги учун Олий лиганинг** «ҚАЙРАТ (Олмаота) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

ФУТБОЛ

СПОРТ

ЧИМ ХОККЕЙ:

ТОШКЕНТ ВА АНДИЖОНДА

Ана шу шаҳарларда Олимпиада ўйинлари программасига биринчи марта киритилган спортнинг чим хоккей тури бўйича аёллар ўртасида илк бор мамлакат чемпионати байроғи кўтарилди. Ўн команда икки группага бўлинган ҳолда учрашувларни бошлаб юборди. Жумладан, Андижонда икки тур ўйинлари бўлиб ўтди. Бунда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Спартак» (Олмаота) — Москва жисмоний тарбия институти — 1:3, «Спартак» (Горький) — «Андижанка» 1:2, «Спартак» (Горький) — Москва жисмоний тарбия институти — 1:0. Киевлик ва олмаоталик спартакчилар учрашуви 0:3 ҳисобида тугади. Тошкентда маҳаллий «Университет» қизлари икки учрашувда учта очко тўпладилар. Улар Москва области спартакчилари (4:0) ва «Крылья Советов» (1:1) коллективи билан куч синашдилар. Москва ва пойтахт области спартакчилари ҳам муваффақият қозондилар. Шаҳарлик спартакчилар «Крылья Советов» хоккейчиларидан (3:0) устун келишган бўлса, область вакиллари бокулик ҳамкасбларини шу ҳисобда мағлубиятга учратдилар. Командалар кеча дам олишди.

МЕРГАНЛИК:

СОВРИН УЧУН КУРАШ

Республикамиз пойтахтида Ўзбекистон кубоги учун ўтказилган мусобақалар ниҳоясига етди. СССР халқлари VII Спартакиадасига тайёргарлик босқичи ҳисобида давом этган бу мусобақа мухлисларда яхши таассурот қолдирди. 36 мерган бир неча кун мобайнида соврин учун астойдил курашди. Ҳандак стендидан аниқ нишонга олиш бўйича тошкентлик Рафиқ Муҳаммадёров маҳорат кўрсатди. У 200 имкониятдан 196 очко тўплаб ғалабага эришди. Думалоқ стендан отиш бўйича унинг ҳамшаҳри Никита Фёдотов совриндор бўлди.

ПАРАШЮТИЗМ:

АНИҚ САКРАШЛАР

Тошкентда ДОСААФ аэроклуби майдонида республика Министрлар Совети соврини — «Оқ олтин» кубоги учун юздан зиёд спортчи ўзаро курашди. Ўрта Осиё республикалари ва ҳарбий округларнинг вакиллари юксакликдан сакраш бўйича маҳоратларини ошиб бораётганлигини намойиш этдилар. Чунончи, 2200 метрдан сакраш бўйича халқаро классли спорт мастери П. Лучшев (Ўзбекистон) биринчи ўринни эгаллади. Вакилларимиздан В. Шверев билан В. Шпулинг фахрли иккинчи ва учинчи ўринни эгаллашди. Маълум нуқтани аниқ мўлжалга олиб сакрашда ўзбекистонлик И. Куропятник ғолиблик қилди. Аёллар ўртасида Л. Скворцова биринчи бўлди. Гуруҳ бўлиб сакраш бўйича Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг парашютчиларидан И. Глебушев, Г. Суечмез, А. Киселёв, В. Симушовлар ғолиблик қилдилар. Умумкоманда ҳисобида Ўзбекистоннинг иккинчи коллективи бош совринни қўлга киритди. Республикамизнинг биринчи командаси билан туркманистонлик спортчилар иккинчи ва учинчи совриндор ўринларга кўтарилишди.

АХБОРОТ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

«ЧЎЛҚУВАР» АГИТБРИГАДАСИ

Яқинда Қашқадарё область партия комитети шу ном билан аталувчи агитбригада ташкил этди. Унинг составида лекторлар, сиёсий ахборотчилар, медицина ходимлари ва бадиий ҳаваскорлар бор. Агитбригада ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» асари қаҳрамонлари мисолида меҳнатда жасорат кўрсатаётган чўлқувар қурувчилар, қўриқ пахтакорлари, ғаллакорлар ва чорвадорлар ўртасида турли мавзуларда лекция-суҳбат ўтказадилар. Шунингдек, аҳолига маданий ва медицина хизмати кўрсатадилар.

Агитбригада айни пайтда Қарши даштида ташкил этилган қўриқ хўжаликларда бўлиб, ғаллакорлар билан қизғин учрашувлар ўтказаётир.

М. КАРОМОВ.

КИТОБ САВДОСИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Жиззах областида китоб савдоси ўсиб бормоқда. Сўнгги беш йил ичида бу ерда китоб сотадиган магазинлар сони қарийб 30 тага етди. Яқинда Жиззах шаҳри марказида йилига 50 минг сўмлик китоб сотадиган «Китоблар уйи» қуриб битказилди.

«Узглавводстройга қарашли 8-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари смета қиммати 740 минг сўм бўлган қўшқаватли кўркам бино қурилишини атиги беш ойда тугаллашди. Магазинда сиёсий адабиётлар, қишлоқ хўжалиги, тасвирий санъат, техника, медицина адабиётлари сотадиган 10 бўлим бор. Магазиннинг кенг заллари жуда яхши безатилган.

«Китоблар уйи» прогрессив усулда ишлайди. Харидорларга касса хизмати йўлга қўйилган. Келажакда магазин харидорларга йилига 200 минг сўмлик китоб етказиб берадиган бўлади. Областда кооперация йўли билан қисқа вақт ичида яна бешта китоб магазинлари қуриш мўлжалланмоқда.

Н. МИРЗАЕВ.

ЯНГИ МИКРОРАЙОН

Гулистон шаҳрининг шарқий қисмида янги тўртинчи микрорайон барпо этила бошланди. Қўриқ Сирдарё область марказининг бу қисмида яқин йиллар мобайнида 30 та уй-жой биноси, 4 та болалар боғчаси, 2 та ўрта мактаб, йирик савдо маркази ва 100 ўринли чойхона, ҳар бири 400 ўринли қишки ва ёзги кинотеатр, спорт комплекси, поликлиника ва бошқа маданий-маиший бинолар барпо этилади. Микрорайон шаҳарнинг кўркам, обод қисмларидан бирига айланади.

ГУЛЛАР ПАВИЛЬОНИ

Гулистон шаҳрида йирик гуллар павильони очилди. Унда турли хил гул кўчатлари, тувакда ўстириладиган гуллар ва гулдасталар харид қилиш мумкин. Бу шаҳардаги дастлабки гул павильонидир. Шаҳарда бундай магазин ва павильонлар сони янада кўпайтирилади.

А. УМАРОВ.

ҚЎРҚАМ ҚИШЛОҚЛАР

Жиззах область Пахтакор районидаги Ҳ. Абдумажборов номли совхоз мева ва узум етиштиришга ихтисослаштирилган.

Совхознинг келажаги порлоқ. 1980 йилга бориб мевазор ва узумзорлар минг гектарга етказилади.

Суратларда: (юқорида) марказий посёлкадаги уй-жойлар, пастда эса совхоз директори Амирқул Усмонов (чапда) ва учинчи бўлим бошқарувчиси Тошим Қаршиев ҳосил нишоналарини кўздан кечиришаётир.

А. Қўзиев фотолари.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ: 9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ҳар доим бўлсин қуёш. 10.35 — Капитан қизи. Бадиий фильм. 12.15 — Ҳужжатли фильм. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — Уфқ. 17.00 — Концерт. 17.30 — Домино. Бадиий фильм. 18.30 — Мураббий. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан оламида. 20.00 — Концерт. 20.20 — СССР халқ артисти М. Ульянов ижро этади. 20.40 — Улуғ Ватан уруши. Киноэпопея, 9-фильм. 21.30 — Вақт. 22.05 — Халқаро болалар йили. 22.35 — А. С. Пушкин туғилган куннинг 180 йиллигига. 23.25 — Янгиликлар. **ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ:** 11.30 — Абитуриентлар учун. Химия. 12.00 — А. С. Пушкин туғилган кунининг 180 йиллигига. 13.15 — Инсон ва табиат. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Камалак. 19.00 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Мўъжиза — пиёла. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Партиянинг содиқ фарзанди. 19.55 — Қизғанчиқ ришарь. Адабий театр. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Вақт. 22.05 — Ғўзаларни сифатли парвариш қилайлик. 22.25 — Журъат. Бадиий фильм. **ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН:** 18.40 — Чинор. Бадиий фильм. 2-серия. 19.45 — Реклама. 20.00 — Янгиликлар. 21.20 — А. С. Пушкин туғилган куннинг 180 йиллигига.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ёш овозлар. 12.00 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Чорвачилик бўйича социалистик мажбуриятлар қандай бажарилмоқда? 13.30 — Эстрада концерти. 14.00 — Ғўзани зараркунанда ва касалликлардан асраш тадбирлари. 19.00 — Озарбайжонда Ўзбекистон адабиёти ва санъати куларининг очилишига бағишланган тантанали кеча. 20.25 — Ватан, партия ҳақида қўшиқлар. 21.00 — Коммунистик ва ишчи партиялар Москва халқаро кенгашининг 10 йиллигига. 21.10 — Пушкин кунлари. 21.30 — Механизаторлар учун концерт. 22.28 — Лирик тароналар. 23.20 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26, фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-18, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик кабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; вилоятлар бўлими — 33-81-42, ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 3-53-35; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 06290. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Е. — 126.